



MILLIY TIKLANISH

36 (44) 2009 йил 16 сентябрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

e-mail: milliy@sarkor.uz



Китоблар ортидаги китоблар

Китоб — камолот манбаи. Шунинг учун дунё ҳар қанча тараққий этмасин ёки бири-биридан ноёб ва оламшумул кашфиётлар яратилмасин, буларнинг барчаси китобнинг ёрдамида амалга ошади ва китобнинг ўрни муҳимлигича қолавереди.

→ 5-бет



Миллатпарвар демократлар ҳоқимиятга келишди

Японияда ўтган тўрт йилда тўрт нафар янги вазир сайланди. Бундай сиёсий парокандалик Либерал-демократларнинг охир-оқибат сайловда жиддий мағлубияти билан яқунланди

→ 7-бет



Ўзбек бокс мактабининг шуҳрати юксалади

Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича 15 жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Унда 133 давлат вакиллари орасида мамлакатимиз боксчилари умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди.

→ 8-бет

MT

BUGUNGI SONDA:

НИГОХ	2-бет
Марказий Осиёни қайта кашф этиб	
ТАРИХГА НАЗАР	3-бет
Марказий Осиёни қайта кашф этиб	
Сайлов тўғрисидаги қонунларни биласизми?	
ПАРТИЯ ҲАЁТИ	4-бет
Сиёсий жараёнларда	
Сайловга тайёргарлик кўриш	
Бўш иш ўринлари ярмаркаси	
МАЪНАВИЯТ	5-бет
Мустақиллик тарихига ҳолис нигоҳ	
Малакали кадрлар — эртанимиз асоси	
ЖАРАЁН	6-бет
Ижара тизими	
Яйловлар файзи	
ХАЛҚАРО ҲАЁТ	7-бет
Қадимги кашфиётлар	
Дунёдан дараклар	
КЎЗГУ	8-бет
Мунчоқлар таровати	
Аёллар ташаббуси	
Турфа олам	



Ўзбек хунармандлари ижод маҳсуллари маданият ва санъат кўرғазмаси биносида намоиш этилмоқда. (Бу ҳақда 6-бетда ўқийсиз)

ПЛЕНУМ

Сайловга тайёргарлик кўриш

етақчи мавзуга айланди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг IV-Пленуми бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП шаҳар кенгашининг 2009 йилнинг ўтган саккиз ойи давомидаги фаолияти яқунлари ва келгусидаги асосий вазифалар тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

С.ХУРРАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Пленумни очган ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Р.Қосимов аввало, мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги ҳамда яқинлашиб келаётган устоз-мураббийлар куни билан иштирокчиларни қутлади.

- Шунингдек, таъкидлаш керакки, - деди етакчи маърузаси давомида, - мамлакатимиздаги ҳар бир байрамда партияимиз Дастурига хос бир моҳиятни кўраемиз. Бу эса халқимизнинг азалий эзгу орзуларининг ифодаланиши десам, муболага бўлмайди. Ўтган саккиз ойлик фаолиятимизни ҳолис таҳлил қиладиган бўлсак, ҳуқуқий ва демократик давлат кўриш, партияимиз Дастурини ҳаёtgа татбиқ қилиш, яратилаётган қонунлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, шунингдек, ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 193 та тadbир ўтказилиб, улар 52 марта партия даврий нашри, 35 марта телевидение ва 12 марта радио эшиттиришлар орқали ёритилди. Бироқ бугун биз фаолиятимизни танқидий баҳолаш эканмиз, партиянинг айрим туман кенгашлари томонидан ташкил қилинаётган тadbирларнинг барчаси ҳам сон ва сифат жиҳатдан талабга жавоб беради деб бўлмайди. Шунингдек, аъзолик бадаллари тушумини ўз вақтида амалга оширишдаги камчиликлар ҳам ҳамон ўз ечимини топаётгани йўқ.

(Давоми 4-бетда)

ДАВРА СУҲБАТИ

Сиёсий жараёнларда сиёсий партияларнинг ўрни

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқаронинг муносиб ҳаёт кечирishi учун кенг имконият яратиб берилди. Муҳими, бой тарихимиз, бетакрор маданий меросимиз, қўҳна урф-одатларимиз ва анъаналаримиз қайта тикланди.

Ўтган йиллар мобайнида Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида мамлакатда демократик-ҳуқуқий давлат куриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида жиддий ислохотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий соҳаларда улкан ютуқлар қўлга кири-

тилиб, халқро микёсда юксак обрў-эътиборга эришилди. Айниқса, сиёсий партияларнинг жамиятимиздаги ўрни ва роли кучайиб, қабул қилинаётган қарорларда уларнинг таъсири ортиб бормоқда. Қўлчиликка маълум, жорий йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари

махаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги халқимизнинг бой миллий кадриятлари ва тарихий давлатчилик анъаналари асосида сайловга оид халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва ривожланган давлатларнинг илгор тажрибаларини инобатга олган ҳолда яратилган бўлиб, фуқаролар ва сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантириш ҳамда давлат бошқарувидаги эркин иштирокини таъминлашга хизмат қилмоқда.

(Давоми 4-бетда)

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Ғолиблар аниқланди

Чирчиқда сержантлар тайёрлаш мактаблари жамоалари ўртасида ўтказилаётган ёзги олимпиада мусобақаси давом этмоқда. Унда Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги тизимидаги сержантлар тайёрлаш мактабларининг курсантлари спортнинг бокс, биатлон, стол тенниси, сузиш, турникка тортилиш каби турларга бўйича ўзаро куч синашмоқда. Шунингдек, иштирокчиларнинг тактик, техник ва жисмоний тайёргарлиги синовдан ўтказилмоқда.

Ҳарбийларнинг касб маҳорати ва жанговар шайлигини оширишга, улар ўртасида спортни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган мазкур мусобақанинг жанговар тайёргарлик, сузиш ва қуролдан отиш бўйича ўтказилган умумжамоа беллашувларида Тошкент ҳарбий округининг сержантлар тайёрлаш мактаби жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

Техник тайёргарлик ва биатлон бўйича мусобақада Марказий ва Шарқий ҳарбий округларнинг сержантлар тайёрлаш мактабларининг жамоалари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринга лойиқ топилди.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

Марказий Осиёни қайта кашф этиб

С.Фредерик СТАРР

У бир пайтлар «минг шаҳарлар ўлкаси», дунёнинг энг донғи таралган олимлар, шоирлар ҳамда файласуфлар ватани бўлган. Марказий Осиёнинг келажagini тасаввур қилиш учун биз унинг улдуғвор ўтмишига саёҳат қилишимиз даркор.

Милоннинг 998 йилида бир-биридан 200 миля [322 км, - таржимон] узоқликда, ҳозирги Ўзбекистон ва Туркменистон худудларида истиқомат қилувчи икки йигит ўзаро ёзишмага киришди. XXI-аср лабораторияларида қўлланиладиган сўз тортишуви билан улар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган 18 масала борасида мунозара олиб бордилар.

Юлдузлар орасида куёш тизимига ўхшаш ўзга тизимлар ҳам мавжудми, ёки

биз бу коинотда танҳомизми, дея савол қўйишарди улар. Европада мазкур масала кейинги 500 йил ичида очик қолди, бироқ бу икки йигитга биз коинотда ёлғиз эмаслигимиз равшан эди. Улар яна — ёр бир бутун (яҳлит) ва тугал шаклда яратилганми, ёки у вақт мобайнида эволюцион тарзда тараққий этганми, деган саволлар билан машғул бўлдилар.

(Давоми 2-3-бетларда)

НИГОҲ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу ёш олимлар шундай хулосага келишди, вақт давомий, унинг на боши ва на охири бор. Бошқача айтганда, улар яратилганлик назарияси (креационизм)ни рад этиб, эволюцион геологияни ва ҳаттоки, дарвинизм асосларини Дарвиндан қарийб минг йил олдинроқ илгари суришди. Бу каби қарашларнинг барчаси ҳам ислом, ҳам ўрта асрлар насроний динида бидъат саналган.

Минг йил аввал амалга оширилган мазкур ёшимлар илм-фан тарихида камдан-кам учрайдиган келахакка дадиллик билан қарайдиган интилишлар эди. Биз бу ҳақда сақланиб қолган ҳамда минг йиллар оша қайта нашр этилган кўлемларнинг бир неча нусхаси туфайлигина биламиз. 26 ёшли Абу Райхон ал-Беруний ёки қисқача – ал-Беруний (973-1048) Орол денгизи яқинида яшаб, география, математика, тригонометрия, қиёсий диншунослик, астрономия, физика, геология, психология, минералогия ва фармакология соҳаларида танилган. Унинг замондоши Абу Али ибн Сино ёки ибн Сино (тахм. 980-1037) ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган буюк илм даргоҳи – улуғвор Бухоро шахридан бўлган. У тиббиёт, фалсафа, физика, химия, астрономия, диншунослик, клиник фармакология, физиология, этика ва ҳатто муқаддасликка ном таратган. Абу Али ибн Сионинг, кейинчалик лотин тилига таржима қилинган «Тиб қонунлари» асари Фарбда замонавий тиббиётнинг томир отишига туртки бўлган. Биргаликда бу икки нодир ақл соҳиблари антик дунё ва Европадаги Уйғонш даври ўртасидаги энг буюк илм даргалари қаторида туради.

Баъс-мунозарига мойил бўлган мазкур даҳоларни бугун кўпчилик араб миллатига мансуб деб билади (агар умуман, билса). Буни тушунас бўлади, чунки бу икки олим ҳам араб ва форс тилларида ижод

лар Москванинг у ерда Фарб билан ва тобора Хитой билан ҳам геосийёсий рақобати атрофида айланади. Умуман олганда, хорижда кўпчилик одамлар ибн Сино ва ал-Берунийлар юртини писанд қилмай, бу ерга бошқа бирор манзилга бориш учун кесиб ўтиш керак бўлган нотинч ҳудуд сифатида қарайдилар.

Мазкур ерларнинг замонавий дунёда жумбоққа айланган ҳолатини ҳисобга олган ҳолда, ким бунга ҳайратланиши мумкин? Бир ярим аср илгари бошланган рус истилоси натижасида минтақанинг асосий қисми Россия мустамлакасига айланган бир пайтда, Британия ўзининг Ҳиндистондаги мустамлакасини Россиядан мудофаа қилиш мақсадида Афғонистонни буфер зонага айлантирди. Вақт ўтиши билан ҳозирда Синцзин («янги ҳудуд») деб аталмиш минтақанинг шарқдаги катта бўлагини Хитой ютиб юборди. Билим эгаллашнинг қадимий анъана-

ди шундай. Офтальмологиянинг асосчиси ибн ал-Хайсам (тахм. 965-1040) каби ёрқин араб олимлари ўтган. Бирок, Лейпциглик олим Хайнрих Шуттер биринчилардан бўлиб бир аср аввал кўрсатганидек, ўша «араб» олимларининг кўпи (аксарияти бўлмаса агар) аслида Марказий Осиёдан келиб чиққан форсий ёки туркийлардан бўлган. Буни ал-Беруний каби ҳозирги Ўзбекистон-Туркманистон сарҳадларида жойлашган Хоразм ўлкасида келиб чиққан ва шунинг учун «ал-Хоразмий» шарифини қабул қилган математик ва астроном Муҳаммад ибн Муса ал-Хоразмий мисолида кўриш мумкин. Унинг бир қатор кашфиётларидан бири бўлган алгоритмларда унинг – бўзилган шаклда бўлса-да – исми акс этган бўлиб, бизнинг «алгебра» атамиз эса унинг математикадаги кенг эътироф этилган асарлари сарлавҳасидан олинган. Шунга ўхшаш тарзда, Фарбда Алфарабиус номи билан танил-

ётчиларни берган бугунги Эроннинг шимоли-шарқда жойлашган Хуросон вилоятининг пойтахти Нишопурни ҳам келтириш лозим. Ушбу «даҳолар ҳудуди»нинг сарҳадлари ҳар доим Марказий Осиёнинг маданий орбитаси қамровига кирган қадимий Қашғар шаҳри ва бир қанча бошқа буюк марказлар жойлашган ҳозирги кундаги Хитойнинг гарбий чегараларига қадр чўзилар эди.

Харитада доира чизиш бир нарса; бутунлай бошқа нарса эса – нима сабабларга қўра ушбу «Катта-Марказий Осиё» деб аталиши мумкин бўлган минтақа шундай маданий гуркираш ҳосил қилиши мумкин бўлди, деган саволга жавоб бера олишдир. Гуллаб-яшнаган шаҳарлар маданий ҳаётнинг пойдевори бўлиб хизмат қилган. Уша даврда бир араб саёҳатчиси ҳозирги Афғонистон, Тожикистон ва Ўзбекистонни камраб олган ҳудудни кезиб юрар экан, ҳайратда бу ерларни «минг шаҳарлар ўлкаси» деб атайди.

келгинди юнонлардан Будданинг скульптурада тасвирлаш фикрини олдилар. Тахминан бир пайтда, минтақа ҳудудида яҳудийлар бирлашмадилар, Сурия насроний епископликлари, маникейликлар жамиятлари шакллана бошлади. Ушбу барча динлар замирида ўлканинг марказий дини – эзгулик ва ёвузлик ўртасида кураш, гуноҳ ва лаънатдан халос бўлиш, жаннат ва дўзах каби тушунчаларга ургу берувчи зардуштийлик ётар эди. Тахминан милотдан аввалги VI-ёки VII-асрларда яшаган Зардушт Балх вилоятидан чиққан, лекин у асос солган дин гарбий йўналишда – кейинчалик деган саволга жавоб бера олишдир. Гуллаб-яшнаган шаҳарлар маданий ҳаётнинг пойдевори бўлиб хизмат қилган. Уша даврда бир араб саёҳатчиси ҳозирги Афғонистон, Тожикистон ва Ўзбекистонни камраб олган ҳудудни кезиб юрар экан, ҳайратда бу ерларни «минг шаҳарлар ўлкаси» деб атайди.

фояларнинг ўзаро қоримасининг яратилиши ҳам айнан мазкур омил билан изоҳланади. Бирок, савдонинг бир ўзи рўй берган интеллектуал уйғонишга туртки бўла олмас эди, чунки ҳар қандай савдо-сотқ далоликка олиб келмайди. Балки, савдони интеллектуал парвоз учун зарур шарт-шароит сифатида қараш мумкин, лекин бунинг ўзи етарли эмас.

Бу каби ижодий «портлаш»да дин омили қанчалик даражада муҳим? Кўпчилик учун ислом дини ҳал қилувчи омил бўлган. Ал-Бухорий ўз умрини бағшида этган илмга бел боғлаганида бошқа бир қатор буюк алломалардаги сингари унга ҳам, шубҳасиз, чуқур эътиқод туртки бўлган. Ал-Форобий эса ўзининг ахлоқшунослик соҳасидаги тадқиқотлари ҳукмор динни янада мустақамлашига шубҳаланмаган. Бошқалар ал-Форобий фикрига қўшилган ҳолда таъкидлар эдиларки, хур фикрлаш ва тадқиқ қилиш динни чорлаши даркор, акси эмас;

улар ҳукмдорлар ҳимояси ва ҳомилиши остида фаолият юритишар эди.

Бу эса Марказий Осиёнинг энг улкан афзалликларидан бири эди. Албатта, олимликка бел боғлаган киши Марказий Осиёда туғилган халифа ал-Маъмун асос солган фанлар академияси – «Донишмандлар уйи»га қўшилиш умидида Бағдодга йўл олиши мумкин эди. Бирок шу билан бир қаторда, минтақа бўйлаб ва гарбда – Эронда маҳаллий ҳукмдорлар ва саройлар бўлган. Уларнинг барчаси Бағдоднинг ҳурмат-иззатини жойига қўяр экан, ўзларини амалда мустақил деб билишган. Ҳар бир ҳукмдор маълум бир маънода (ўзи учун) халифа бўлиб, мулақ авторитар тарзда бошқарар ҳамда туркийлардан ташкил топган йирик кўшин ёрдамида ўз ҳудудларини ҳимоя қилар эди. Бирок улар савдонни қўллаб-қувватлар, солиқ йиғар, серхашам пойтахт шаҳарлар кураш ва энг муҳими – санъат ва илм-фанга беҳисоб маблағ сарфлар эдилар. Ана шундай саройлардан бири ал-Беруний ижод қилган Гурганжда жойлашган. Яна бири ўша вақтдаёқ қадимий девор билан ўралган Самарқанд эди. У шаҳарда 850 ва 1000 йиллар оралиғида Сомонийлар сулоласи бой кутубхонага эга бўлган, мазмунга бой адабий кечаларда олимлар томонидан «Буюк Масалалар» муҳокама қилинган, ҳамда муслик ва шерьията тўйинган жўшқин ижтимоий муҳит яратилган.

Бу ҳукмдорларнинг баъзилари на сахий, на мулоим-меҳрибон бўлган; улар санъат ва илм-фан ҳомийлари сифатида ҳам ажралиб турмаган. Шарқий Афғонистондаги пойтахтдан туриб Маҳмуд Фазнавий (971-1030) Ҳиндистондан ҳозирги Эроннинг марказига чўзилган империяни бошқарган. Маҳмуд шафқатсиз ҳукмдор бўлиб, маданиятни зарурат эмас, зеб-зийнат ҳисоблаган. Шунга қарамай, у Ҳиндистон ва хиндуизм бўйича кейинчалик биринчи бўлиб кенг-қамровли тадқиқот муаллифи бўлган ал-Беруний ва буюк

Марказий Осиёни қайта кашф этиб

лари аллақачон емирилиб кетган эди; совет ҳукумати савдо-хонлики қайта тиклашига қарамай, ҳам дунёвий, ҳам диний соҳада хур фикрликни бос-тирди. 1991 йил Совет Иттифоқи кулаши ва беш мустақил давлатлар пайдо бўлиши, ҳамда 2001 йил 11 сентябрдан кейин Афғонистонда янги ва замонавийроқ ҳукумат ўрнатиши билан минтақа учун янги кун келди.

Минг йил илгари Марказий

ган ва Аристотель этикасини инновацион таҳлил қилишда Томас Аквинас (русча - Фома Аквинский)дан ташқари барча Фарб мутафаккирларидан илғорлаб кетган Абу Наср ал-Форобий (тахм. 872-961) араб эмас, балки ҳозирги Қозоғистон ҳудудидан келиб чиққан туркий олим эди.

Аббосийлар халифалиги аслида Марказий осиеликлар томонидан ташкил этилганлигини ҳисобга олсак, Марказий осиелик даҳоларнинг Бағдодда мисли кўрилмаган муҳим роли табиий бўлиб қолади. Ҳа, халифаларнинг ўзлари Шарқда жойлашиб қолган этник араблардан эди, аммо вақт ўтиши билан араблар «маҳаллий тус олдилар» ҳамда ўзлари воғга етган форсий ва туркий дунёга фарқ бўлдилар. Халифа Ал-Маъмун милодий 818 йилда тайинланганга қарамай, Марказий Осиёни тарк этишдан бош тортди ва мусулмон дунёсининг ҳозирги Туркманистон ҳудудида жойлашган Марв номли бетакрор воҳа шаҳаридан туриб бошқарди. Кейинчалик Бағдодга кўчар экан, у туркий лашкарлари билан бир қаторда ўзи билан форсий ва туркий маданиятлар таъсирининг «қоршамасидан» ҳосил бўлган Марказий Осиёнинг кадриятларини олиб кетади.

Марказий Осиёдан Яқин Шарққа кўчиш юнон билим масканларидан Римга қараб ҳаракатланган қадимий «ақллар кўчиши» йўсинида рўй берган. Фарқ шундаки, бир қатор Марказий осиелик олим ва мутафаккирлар Бағдодга кўчаётган бўлса-да, бир пайтнинг ўзига араб даҳолари Марказий Осиёнинг буюк марказларига интилар эдилар. Гўёки, «ақллар кўчиши» икки томонлама ҳаракатни эслатади. Ал-Беруний яшаган, ҳозирги Туркманистон ҳудудида жойлашган, мислсиз даражада равақ топган Гурганж шаҳри ҳамда шарқий Афғонистондаги Фазна шаҳрининг бойликка тўлган саройи араб олимлари учун оҳанрабо бўлиб хизмат қилар эди. Бунинг устига, Бағдодга кетишга мажбур бўлган Марказий осиелик мутафаккирларнинг ҳаммаси ҳам у ерда қолиб кетишга шошилмас эдилар.

Даҳоликнинг гуллаб яшашини вужудга келтирган ушбу «Марказий Осиё»га қандай ҳудудларни киритишимиз мумкин? Даставвал, 1991 йилда мустақилликка эришган беш «истон»нинг барчасини, яъни Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистонни. Бу интеллектуал «гуллаш»да ҳозирги Афғонистоннинг Балх, Хирот ва бошқа буюк шаҳарларининг ўрни ва аҳамияти кам эмас. Бунга қўшимча сифатида ўша сермақсул йилларда бир қанча кашфи-

Бир пайтлар ушбу минтақанинг пойтахти бўлиш қудратли Балх шаҳрининг вайронлари халифача чақиримлар оша Афғонистоннинг ҳозирги Мозори-Шарифдан гарбда жойлашган ерларига қадр ястаниб ётган. Балх ўз гуркираган даврида Париж, Рим, Пекин ва ёки Дехлидан каттароқ бўлган. Бошқа барча буюк минтақалар марказлари қатори унда сув айланма тизими, ҳаммомлар ва эртаклардагидек саройлар, ҳамда саройдан ташқарида яшовчилар учун қуёшда пиширилган гиштлардан қурилган ҳашаматли уйлар бўлган.

Шу билан бир қаторда, Балх китъа бўйлаб амалга оширилган савдо туфайли бойиган. Балх ва Марказий Осиёнинг бошқа тижорий марказларидан савдогарлари Яқин Шарқ, Европа, Хитой ҳамда Ҳиндистоннинг ички ҳудудларига саёҳат қилишган. Бу юртлар савдогарлари эса «Катта Марказий Осиё»нинг гуркираган карвонсаройларига ўзларининг маҳсулотларини олиб келишган. Мусулмон дунёси ва бошқа ерларда қулдорлик кен тарқалганлиги туфайли бозорларда йирик қул бозорлари ҳам мавжуд бўлган. Олтин, қумуш ва бронзадан қуйилган пуллар ушбу тижорат томир отган туғунлардан то Швециянинг Готланд ҳамда Корея ва Шри-Ланкага «саёҳат» қилган.

Марказий Осиё Евросийёнинг барча буюк маданият ўчоғларини боғловчи йўлларнинг чорраҳасида жойлашган эди.

Ҳозирги кунда «Ипақ йўли» деб номланмиш мазкур маршрутлар тармоғи шурат чўққисига чиққан даврда барча йўналишларда турли-туман молларни ўтказган. Ҳаво ҳайдаш ёрдамида ишлаб чиқарилган ойна Яқин Шарқдан Хитойга Марказий Осиё орқали тарқалди; қоғоз ишлаб чиқариш ва ипақчилик маданияти Хитойдан гарбий йўналишда йўлга қўйилди. Аммо Марказий осиеликлар «пассив ўтказгичлар» эмас эдилар. Ярим минг йиллик мобайнида Яқин шарқликлар ҳамда европаликлар Самарқанд қозғонини дунёда энг сифатли деб ҳисоблаган бўлсалар, Европадаги ўрта асрлар ибодатхоналари зебу-зийнатлари Фарғона водийсида ишлаб чиқарилган ипақдан тайёрланган.

Савдогарлар динларни таъсирли бўлиб ҳам хизмат қилишган. Искандар Зулқарнайн (мил. авв. 356-23) босқини билан келган юнонлар Афғонистондаги ўзларининг янги шаҳарларига Афина, Геркулес, Афродита каби сиғиниш тўмасларини олиб келишган. У пайтда Буддизм минтақа бўйлаб томир отиш учун қўлай шароитга эга бўлиб, бу ердан Хитой, Япония ва Кореяга тарқалган. Ўз йўлида, буддавий санъаткорлар

шунослик» ва «фалсафий таҳлил» деб атайдиган соҳаларда етарли даражада «эксперт» бўлган аҳолига дуч келди. Кўп Марказий осиеликлар исломни қабул қилдилар, бошқалари эса маданий тўлқин мавжи босилмагунга қадр қабул қилишдан бош тортдилар. Қайси динга эътиқод қилишларидан қатъий назар, Марказий осиеликлар моҳир тизимга солуви ва тахлилчи бўлиб чиқдилар. Улардан бири – Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870) пайгамбар Муҳаммад а.с.нинг ҳадисларини тўплади, таҳлил қилди ҳамда Қуръондан кейин иккинчи энг муқаддас китоб ҳисобланмиш тўпламни яратди. Дунёвий фикрлар ҳам минтақа бўйлаб тўсиқсиз саёҳат қилиб юрди. Астроном ал-Хоразмий ҳинд рақамлари (ҳамда «0») ва бошқа рақамлардан фойдаланишни киёслаб китоб ёзган бўлса, ўзга олимлар ҳинд геометрияси, астрономияси ва ҳатто календар тизимларида фойдали гоёларни излаб чуқур тадқиқ қилдилар. Бундан олдинроқ Марказий осиеликлар турли хил алифболарни (масалан, Сурия ва Ҳиндистон ёзувларини) синовдан ўтказдилар. Бир қатор маҳаллий тиллар пайгамбар Исо а.с. га тиллар арамга (арамей) тили алифбосини қабул қилиб олишди. Дунёнинг ҳар қандай бошқа бурҷабда интеллектуал жиҳатдан бундан-да «очик» минтақани тасаввур қилиш мушкул.

Марказий осиеликларнинг араб ва хитойликлардан фарқи уларнинг полиглог, яъни кўп тилларни билишларидир. Улар учун кўп сонли тиллар ва алифболар аралашмаси ичида яшаш одатий ҳол ҳисобланган ва қайси пайтда қайси тилга муҳтожлик сезилса, ўша тилда сўзлашган. Шу тарзда, янги дин олиб келган араб қўшинлари бостириб келганда Марказий Осиёнинг баъзи давлат арбоблари ва мутафаккирлари арабларнинг тили уларга қандай фойда беришини аниқлаш мақсадида мазкур нота-ниш тилини ўргандилар. Савдогарлар тез орада классик юнон тилидан эндигина ўйрилган ёзилмалар билан келишни бошладилар. Кўпинча насроний араблар томонидан таржима қилинган ушбу асарлар Марказий осиеликлар учун қутилмаганда фалсафа ва илм соҳасида янги, ўрганилмаган гоёлар очиб берди. Вақт ўтиши билан улар бу жиҳатларни эгаллаб, мазкур соҳаларда ҳатто қадимий юнон мутафаккирларидан ҳам чуқурроқ изланишлар олиб бوردилар.

Катта Марказий Осиёнинг гуллаб яшашини «макон, макон ва яна макон» омилнинг маҳсулидир. Савдога асосланган фаровонлик ҳамда савдо орқали кириб келган динлар ва

ва албатта, эътиқод илм-фанни чеклаб қўймагани жониз. Яна бошқалар эса ал-Форобий усулларига очикдан-очик қўшилмасликларини билдирди ҳамда динга жамият оммаси учун маъқул, интеллектуаллар учун эса номақбул бўшлиқ сифатида қарашар эди. Бундай қараш ҳозирги кунда асосан ўзининг шерьияти билан машхур бўлган 1048-1123 йилларда яшаган Умар Хайёмга тегишли. Фарбда уни XIX-

Марказий осиеликлар «пассив ўтказгичлар» эмас эдилар. Ярим минг йиллик мобайнида Яқин шарқликлар ҳамда европаликлар Самарқанд қозғонини дунёда энг сифатли деб ҳисоблаган бўлсалар, Европадаги ўрта асрлар ибодатхоналари зебу-зийнатлари Фарғона водийсида ишлаб чиқарилган ипақдан тайёрланган.

қилган. Бирок, инглиз тилида ижод қилган япон миллатига мансуб инсон инглиз бўлолмагани сингари, араб тилида ёзган Марказий осиелик одам ҳам араб бўлолмайдди. Аслида, улар математика, астрономия, тиббиёт, геология, тилшунослик, сийбастшунослик, шерьият, архитектура, амалий технология каби соҳаларда ҳозирги кунда биз Марказий Осиё деб атаётган ҳудудда яшаб ижод этган этник жиҳатдан форсий ва туркий даҳолардан ташкил топган «юлдузлар туркуми»дандир. 800-1100 йиллар орасида Марказий осиелик бу олим, санъатшунос ва мутафаккирлар плеядаси минтақани дунёнинг интеллектуал марказига айлантирдилар. Уларнинг таъсир доираси Шарқий Осиё ва Ҳиндистондан Европа ва Яқин Шарққа тарқалган эди.

Бугун бунинг тасаввур қилиш қийин. Хитой, Покистон, Эрон, Россия ва Каспий денгизини ўртасида жойлашган, суғориладиган чўллар, тоғлар ва даштлардан иборат бу улкан минтақани осонгина дунёнинг чет ҳудуди, у ёки бу буюк давлатнинг «томорқа»си сифатида менсимай орадан суриб чиқаришга интилимизда. Азалдан Марказий Осиёнинг юраги бўлиши ҳозирги қашшоқ Афғонистонда АҚШ қўшинлари ўтмишга таянган ва илмсиз «Толибон» ҳаракатига қарши уруш олиб бормоқдалар. Америкада Марказий Осиёнинг қолган мамлакатлари тўғрисида хабарлар асосан Пентагоннинг у ерда афғон кампаниясини қўллаб-қувватлаш учун ҳарбий базалар оғушида юргани билан қиёвланади. Хитойда эса ушбу минтақага нефть, табиий газ, олтин, алюминий, мис ва уран каби хомашё манбаи сифатида қаралади. Айни пайтда, Россиядаги мунозара-

осиеликлар эришган интеллектуал ютуқларни санаб чиқишни қаердан бошлашни билиш мушкул. Математикада Марказий осиеликлар биринчи бўлиб, иррационал сонларни қабул қилишган, куб тенгламаларнинг турли хил шакллари аниқлашган, тригонометрияни кашф этишган, ўлик сонлар тизимини ва ҳинд (Фарбда «араб» рақамлари сифатида тан олинган) рақамларни янада такомиллаштиришган ҳамда бошқа ўлкаларга тарқатишган. Астрономияда улар яқин асрларгача тенги йўқ аниқлик билан Ернинг диаметрини ўлчаганлар ҳамда ҳайратланарли даражада аниқ астрономик жадвалларни тайёрлаш учун Уйғонш давридан анча аввалроқ бир неча йирик расадхоналар курганлар.

Химияда эса Марказий осиеликлар реакцияларни қайтаришга, кристаллизациядан химиявий тозаланишнинг бироситаси сифатида фойдаланишган, гўё Дмитрий Менделеевнинг 1871 йилги даврий жадвалига пойдевор яратиш мақсадида муайян тортиш кучини ўлчаш ва уни гуруҳ элементларида қўллаш каби ютуқларга эришганлар. Улар хрестоматик тарзда қадимий тиббий билимларга ўз ҳиссаларини қўшилди, фармакология асосларини кенгайтирдилар ҳамда барча билимларни Фарб ва Ҳиндистонга узатдилар. Техноложик ютуқлардан кейинчалик гарбий йўналишда Яқин Шарққа ва Европага ҳамда шарқий йўналишда Хитойгача тарқалган шамол тегириқларини ва сувни кўтариш учун гидравлик машинасозликни таъкидлаш мумкин.

Лекин бу Бағдодда халифаликда мужассамлашган араб дунёси илм-фан ва таълимнинг олтин даври эмасми? Худ-

шоир Абулқосим Фирдавсийни ўз ҳомилишига олган. Фирдавсийнинг исломдан олдинги Эроннинг маҳобатли манзарасини тасвирлаб берган «Шоҳнома» асари (тахм. 1000 й.) Францияда трубадурларга ҳам катта таъсир ўтказиб, жаҳон адабиётининг мумтоз асарларидан бири сифатида тан олинган.

Марказий Осиёда охириги улкан «маданият энергиянинг портлаши» Салжүкий турклар ҳукморлиги остида рўй берди ва тахминан 1073 йилдан бошлаб бир асрдан кўпроқ вақт давом этди. Ўзларининг шарқий пойтахтлари бўлмиш ҳозирги Туркманистоннинг Марв ва бугунги Афғонистон-Эрон чегарасидаги Нишопур шаҳарларида туриб, улар кўп соҳаларда кашфиётчиларни қўллаб-қувватлади. Улар эришган ютуқлардан бири сифатида кенг жойларни қоплаш учун ишлатилган қўшғулмазни келтириш мумкин. Эришилган дастлабки ютуқлар маҳсулини ҳозирда Марвнинг қаровисиз қолган вайронлари мисолида кўришимиз мумкин. Флоренция ибодатхонасидаги Филиппо Брунеллески гумбазини Санкт-Петербургдаги Авлиё Николлай соборини ҳамда Лондонда «дунё бўйлаб саёҳат» натижасида мазкур кашфиёт Вашингтондаги АҚШ Капитолий биносининг гумбазини ҳам ўз аксини топди.

Нима сабабдан Марказий Осиёнинг буюк асри сўнди? Интеллектуал буроннинг сўнишига энг кенг тарқалган изоҳ сифатида Мўғулистоннинг марказий ерларидан 1218 йилда Чингизхон томонидан юштирилган мўғуллар босқини келтирилди. Ҳақиқатан ҳам мўғул босқинчилари Марказий Осиёнинг бетакрор шаҳарларининг аксариятини вайронга айлантирди.

(Давоми 3-бетда)

ТАРИХГА НАЗАР

(Давоми. Боши 1-2-бетларда)

Лекин, куйидаги уч эътироз бу фарзани шубҳа остига олади. Биринчидан, саноклиларидан ташқари барча шарҳлар савдо ва тижорат тўғрисида тез орада қайта тикланди. Иккинчидан, минтақани яқкаш у ёқда турсин, мўғуллар истилоси "Катта Марказий Осиё"ни Европа ва Осиёнинг бошқа ерлари билан алоқаларини кучайтирди. Босқинчи мўғуллар ўзларининг беқиёс империяси ичида чегаралар ва тўловларни бекор қилишлари тўғрисида шундай шароит юзага келди. Масалан, XIII-асрда Афғонистондан Хитойга сабаҳтани Марко Поло ягона "патент" ёки «виза» билан амалга оширди. Мадани-

ган эди. Бирок, форсий ва туркий Марказий Осиёда араб дунёси маркази ва Эрондагидек маълум суръатлар билан мустаҳкамланаётган мусулмон ортодоксал қотишдан келиб чиққан талаблар эркин фикрлик ва гуманизм ривож топиши мумкин бўлган соҳани тобора торайтириб борди.

"Катта Марказий Осиё"да эркин интеллектуал ҳаётнинг сўнишига ўз хиссасини қўшган ушбу «морфологик» воқеликлардан ташқари, учинчи, ўзига хос омил ётарди: ислом дини ичидаги сунний-шиа ажралиши. Мазкур фундаментал бўлиниш Мухаммад а.с.нинг 632 йилдаги вафотидан кейинги биринчи авлодга бориб тақалади. Дамашда биринчи халифалик вужудга келиш вақтига келиб, суннийлар бутун мусулмон

ерда вужудга келди ва шу ердан бутун мусулмон дунёсига тарқалди. Бугунги кунда Румий, Аттот ва бошқаларнинг суфизмини мадҳ этувчи шерълари Янги Даврга эргашини келтириб чиқарди, лекин ўзларининг даврида улар ташқи омма дунёсидан қочиб, ички дунёга қарашга ундаганлар.

Марказий Осиё 1100 йилдан ҳам кейин жажон нигоҳидан асло четда қолмади. XIV-асрда Фарбда Темурланг (Тамерлан) номи билан танилган Амир Темур Дехлидан Урта Ер денгизининг шарқий соҳилларигача бўлган дунёни босиб олиб, ўзининг қайта тикланган пойтахти Самарқандда олим ва ижодкорларни тўплади. Бир асрдан сўнг Бобур Фаргона водийсидан чиқиб, Хиндистонда Мўғуллар сулоласига асос

чи маршрутлар очилиши, Афғонистон орқали Араб денгизи, Хиндистон, Жануби-шарқий Осиёни Яқин Шарқ, Хитой ва Хиндистон билан туташтирувчи йўллар келаётган ўн йилликда бутун Евросиё китъасини ўзгартириб юборди. Вужудга келаётган шарт-шароитларнинг камдан-ками мутлақ янги кашфиётдир. Ҳақиқатан, янги барпо этилаётган транспорт тизими қандай кўринишда бўлар экан, деган савол билан қизиқайтган ҳар қандай киши аввал «олтин давр»даги савдо йўллари ўрганиб чиқиши лозим.

Шу тарзда, 1991 ва 2001 йиллар оралиғида Марказий Осиёнинг «очирилиши» минтақани интеллектуал жиҳатдан ҳам ўзгаришига олиб келмоқда. Минтақанинг ўн минглаб талабалари энг

МУЛОҚОТ

Сайлов тўғрисидаги қонунларни биласизми?

Қадрли газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб сайлов тўғрисидаги қонунлар юзасидан мазкур сарлавҳа остида саволларнигизга жавоблар бериб борамиз. Бу йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайловлар йили бўлганлиги сабабли фуқароларимизнинг сайлов тўғрисидаги билимларини ошириш мақсадида ўқувчиларимиздан тушган саволларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси Акрам ЖУМАЕВ жавоб беради.

Мамлакатимизда очик ва демократик сайловлар ўтказиш учун ҳамма шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд. Сайлов қонунчилигининг ўзига хос тизими яратилди ва ушбу тизим янада такомиллаштирилиб борилаётган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўзлари сайлаган вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Бунинг таъминлашининг асосий воситаси фуқароларнинг сайлов ҳуқуқидир. Мамлакатда сайлов ҳуқуқининг қадрланганлиги – бу демократия ривож топганлигининг ёрқин кўрсаткичидир.

- 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар бўлиб ўтган эди. Навбатдаги сайловнинг олдинги сайловлардан фарқи нимада?
Шавкат ШОРАХМАТОВ, Тошкент шаҳри

Икки палатали парламент тизими ташкил этилганидан кейин 2004 йилда мамлакатдаги сиёсий партиялардан ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кўрсатилган эди.

Албатта, бу йил бўлиб ўтаётган сайловлар олдинги сайловлардан тубдан фарқ қилади. Ўтган йили "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунлари ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Шу муносабат билан "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ва бошқа қонунларда сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайлов жараёнида номзодлар кўрсатишда иштирок этишини назарда тутувчи моддалар қонун нормаларидан чиқарилди.

Яъни, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган реал жараёнларни, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият қурилиши тизимидаги салоҳияти ва роли кучайиб бораётганини инобатга олиб, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш институти бекор қилинди. Умуман олганда, жамиятда сиёсий партияларнинг роли, таъсири борган сари кучайиб бормоқда. Бу фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ҳамда ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий онги ва маданияти юксалиб бораётганига яққол қўйилади.

Ўзгаришлардан яна бири Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларини сайлашда сиёсий партияларнинг ваколатли вакили институти жорий этилиди, мазкур вакил-га сайлов участкаларида овозларни санаб жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилиши ва шунга ўхшаш бир қатор нормалар киритилди.

- Мен Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлиги ўринлари сонини оширилганлиги тўғрисида эшитдим. Улар неча нафардан иборат бўлади? Бу ҳақда аниқ маълумот олишни истардим.

Дилфуза НОРМУРОВА, Ахборот технологиялари университети III-босқич талабаси

Ҳақиқатан ҳам Қонунчилик палатасининг депутатлари ўринлари сони ошди. "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунлари ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунга мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат этиб белгиланди.

Парламентнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган социал, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларга мувофиқ равишда самарали қонунчилик базасини шакллантириш борасидаги фаолиятини ташкил этишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсирини янада кучайтириш мақсадида Қонунчилик палатасининг бир юз ўлтти беш депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик аҳволни яхшилаш, одамлар саломатлиги учун курашиш, бошқача айтганда, сиёсий маслаҳатдан қатъий назар, жамиятнинг барча қатламлари манфаатларига бирдек дахлдор муаммоларини ҳал этиш масалаларининг мамлакатимиз ва ҳудудларимиз учун нақадар улкан аҳамиятга эга эканлиги назарда тутилди. Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланади ва бу қонунларимизда белгилаб қўйилди.

Қонунга киритилган тўғриликлар билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан депутатлар ушбу оммавий ижтимоий ҳаракатнинг республика конференциясида яширин овоз бериш йўли билан сайланиши, Экологик ҳаракатдан депутатлар сайлаш муддатлари ва сайловни ўтказиш, шунингдек сайлаган депутатларни рўйхатга олиш тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилиши кўзда тутилган.

Маълумки, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига янги институт – Экологик ҳаракат учун депутатлик ўринларини қўрғалаш институти киритилди. Бу янгилик хозирги босқичда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш учун кураш олиб бориш, аҳоли соғлигини ҳимоя қилиш масалаларининг гоят долзарблиги билан боғлиқ бўлиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги вакиллик Ўзбекистон Экологик ҳаракати табиати муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, уларнинг марказда ва жойларда оғимши ижро этилишига бевосита, самарали таъсир кўрсатиш имкониятини беради. Бу ерда Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг фаолияти сиёсий қарашларидан қатъий назар, аҳолининг деярли барча қатламлари манфаатларига дахлдор бўлган экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг аниқ муаммоларини ҳал этишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятли эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Марказий Осиёни қайта кашф этиб

ятларо алоқалар интеллектуал гуркирашнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган экан, мўғуллар даврида бу хусусият томир отди.

Учинчидан, 1221 йилда мўғуллар хур фикрликни бостириш ниятида бўлган тақдирда ҳам (улар ундай қилмадилар, бундай қилишга эҳтиёж ҳам йўқ эди) бундан бир аср олдинроқ юзлаб йиллар давомида бутун Марказий Осиё бўйлаб ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнаган маданий юксалишнинг сўниши бошланган эди. Тўғри, XII-асрда ҳам Марвадан ўнган орқик кутубхона (улардан бирида 12 минг жилд бўлган), Бухорода эса 50 нафардан орқик алломалар фаолият юритган. Бирок аллақачон, яъни 1100 йилга келиб интеллектуал ҳаётдаги илмий кашфиётлар ўрнини илмий трактатларнинг тўпламларини тайёрлаш эгаллаган эди. Уша даврдан сақланиб қолган кўлемларнинг аксарияти асарларнинг асл нусхаси эмас, балки олдинги асарларнинг нусха-кўчирмалари ёки уларга берилган шарҳлар эканлиги аввалги ёрқин аланга сўнганининг ишончли аломатидир.

«Кимнинг қўли бор?» деган саволга мўғулларни кўрсатмас эканмиз, унда таназзулнинг асл сабаби қандай бўлиши мумкин? Марказий Осиёдаги буюк шаҳарлар бутун саҳро кўёшида жимжитлик билан ёпилиб турган маюс вайронлар кўринишини беради. Гамгинликни фақат тасодифий маврак чақалқорларга бузади. Уларга қараб, киши маданий инкирозда иқлим ўзгариши ёки бошқа экологик жараёнларни айблаганга жазм қилади. Лекин, минтақанинг экологик тарихи борасида аксарият изланишлар шундай хулосага келадики, Марказий Осиёнинг «олтин давр»даги иқлим хозирги кундаги иқлим билан деярли бир хил бўлиб, асосий ўзгариш минтақанинг бир пайтлар ифтихори бўлмиш суғориш тизимида рўй берган.

Мўғуллар ва экологияни истисно қилганда ўлқанинг таназзулга юз тутишига қамида тўрт омил сабаб бўлган. Биринчидан ва балки энг муҳими, ҳеч нарса абдий эмас. Мумтоз Афганининг олтин даври баъзур бир асрга чўзилди, ундан кейин шаҳар пастрок, кумуш даврга чўкди. Европадаги Уйғоннинг даври шаҳарларнинг саноклисида гуркираган давр бир ярим асрга етди. Чўққига етган, инкироз томон юз тутиш табиий ва муқаррардир.

Марказий Осиё мисолида эса, фарборда жойлашган арабларга қараганда ҳам кўпроқ қадимги Юнонистон, Яқин Шарқ ва Хиндистондан келган чексиз ва нотаниш гоёлар йиғилмаларини эгаллаб, ўзларига мослаш даъвати оригинал тафаккур шаклланишига кучли туртки бўлган. 1100 йилга келиб бундай натижага эришиб бўлинган эди; ундан кейин ҳеч қандай нисбатан чуқурроқ янги изланиш қирралари топилмади. Европадаги Уйғоннинг даври, албатта, шундай туртки бўлиши мумкин эди, бироқ бу вақтга келиб цивилизацияларни бир пайтлар боғлаган буюк савдо йўллари сўнган, ҳамда Марказий Осиёнинг тушкунлиги ва изоляцияси «мустаҳкамланаётган» эди.

Иккинчидан, маданиятлар ва уларнинг бир қисми бўлиши динлар динамики, ўз-ўзига ишонч, тақриба ўтказиш ва ниҳоят, ортодоксал қотиб қолишдан иборат жараённи бошдан кечиради. Марказий Осиёда бу жараён аввалроқ зардуштийлик ва буддапарастлик мисолида ўтган эди. Исломининг даъво эса ижодий тафаккурнинг энг юксак раванқ топиши эрта бошланди, яъни 800-1100 йилларга тўғри келди. Ортодоксал қотиш ҳам нисбатан эрта вужудга келди, лекин 1100 йилгача ўз чўққисига етмади. Ҳатто ушунда ҳам яна тахминан бир аср мобайнида интеллектуал жўшқинлик сақланган бир неча яқка тартибда «аванпост»лар қол-

дунёсида мустаҳкам ҳукронлик қилишарди. Бунга истисно тарзда Мисрда шиа сулоласи ҳисобланган Фотимийлар 968-1171 йилларда ҳокимиятда бўлдилар. Аммо ҳатто Фотимийлар ҳокимияти кулашдан олдинроқ шиалик тарафдорлари шарққа томон қувғинга учрадилар ҳамда эътиқодларо низо маркази Эрон ва Марказий Осиёга кўчди. Шу тариқа минтақа бўйлаб ҳукмдор сунний подшоҳлар эътиқод бўлинишига мойил бўлган шубҳа остидагиларга нисбатан сиқувини кучайтирдилар.

Аёнки, ўзгаришлар хур фикр тарафдорларига нисбатан қаттиқ зарба бўлди, аммо суннийларга ҳам таъсири кам бўлмади. Марказий Осиё фарбий сарҳадлари (хозирги шарқий Эрон)нинг Тус шаҳрида ижод қилган икки шахс бунга ёрқин мисол бўла олади. Биринчиси Низом ул-Мулк (1018-92) – юксак иқтидорли бошқарувчи ва қолаверса, даврнинг энг олди сиёсатшуносларидан бири эди. Низом ул-Мулкнинг устозлари уни Марказий Осиё Уйғониш даврининг энг ёрқин мутафаккирлари асарлари билан таништирган эди. Лекин, унинг салжувийлар империяси вазирлиги этиб тайинланиши пайтига келиб, шиа мухлифатига қарши кураш авжга чиққан эди. Ҳар тарафдан келган хавфнинг олдини олиш мақсадида Низом ул-Мулк ортодоксал сунний исломни «миёга қуйиш» ва ёш авлоднинг чуқур билимли, лекин мазкур эътиқодга содиқ қилиб тарбиялаш учун мадрасалар тармоғини яратиш тақлифи билан чиқди. Битирувчилар нафақат шиаларнинг ажралишини, балки ортодоксал оқимдан огиши шубҳаланган ҳар қандай гоёларни рад этишлари зарур эди.

Иккинчи «ислохотчи» шахс файласуф ва дин арбоби Абу Хамид Мухаммад ибн Муҳаммад ал-Ғазолий (1058-1111) бўлиб, у идрокнинг чекланмаган равишда қўлланилишига қарши бевосита ҳужум бошлади. Унинг энг машҳур асари сарлавҳасидан хулоса чиқариш мумкин: «Файласуфларнинг (яъни олимларнинг) мантисизлиги». Ф.Достоевскийнинг «Ака-ака Карамазовлар» асари қахрамони буюк инквизитор сингарии, ал-Ғазолий ўзининг ганимлари (бу ерда – ўлқанинг энг олди олимларини) ўзига жалб қилган Аристотель эмпиризмини пухта билар эди. Аристотелни танқид остига олар экан, ал-Ғазолий вайрон қилувчи таъсир билан ўз замонасининг барча рационалистларини сиқувга олди.

Низом ул-Мулк ва ал-Ғазолий биргаликда Марказий Осиёда уч аср давомида барпо этилган эркин тафаккурга парда тортидилар. Бирок, бунинг Марказий осийликлар ўзларига хос топқирлик билан қарши олдилар. Эътиқоднинг сиртқи шакллари мустаҳкамланган ва қотирилган бир пайтда улар индивидуал маънавийликка янги қизиқиш уйғотдилар. Уларнинг тасаввуфга асосланган худого сифинишга эришишнинг юксак даражадаги шахсий тизими ва китоблар, ва иерархия, ва на масжидлар талаб қилар эди. Бу оқим суфизм деб ном олди. Марказий осийликлар тасарруфида тайёр ишланган бундай тасаввуф ва шахсий сифиниш шакллари мавжуд эди. Бунга ўхшаш кўникмалар хиндуист Хиндистон билан алоқада бўлганликлари ҳамда ўлқанинг савдо марказларида кенг тарқалган ва ўзларининг динига айланган буддапарастлик, Сурия насронийлиги ва ҳатто яҳудийликнинг бой маҳаллий аъёнлари тўғрисида хосил қилинган эди. Суфизмга бу каби эътиқод турларининг тасаввуф борасидаги хиссаси хусусида баҳслар давом этишига қарамай, бир нарса аён: дастлабки суфийлар араблар бўлса-да, Марказий Осиё суфизмининг юрагига айланган. Дастлабки ва энг олди суфий ҳаракатлар бу

солди. Иқтидорли ёзувчи бўлган Бобур Марказий Осиёнинг қадимги аъёнанисон тарқатган ҳолда ўз саройига иқтидорли ижодкорларни ҳам этди.

Бирок, Марказий Осиё 800-1100 йиллар орасида эришган интеллектуал шуқуқини қайтара олмади. Юқори бўлган маҳаллий [божхона] тўловлар фаровонлик ва маданиятларо мулоқотни туғдирган «олтин ғоз»ни чўқтирди. Диний ортодоксаллик ўлқанинг энг ўзига хос мутафаккирларини «бўғди». Таназзулга юз тутар экан, Марказий Осиё вақт ўтиши билан бутун Евросиёнинг юксак маданияти маркази бўлишдан маҳрум бўлиб, одам оёғи етмайдиган ва чанг босган хилватгоҳ макомига тушиб қолди.

Худди ана шундай зулматга ботган жойдан Дэн Разер 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин Афғонистон ва минтақадан репортажлар олиб борди. Камуфляжи жакет кийиб олиб, репортажларини фақат кун чиқар ва кун ботарда тасвирга тушириб, у минтақани бориб бўлмайдиган, қоқоқ, экзотик, чет ва хатарли, бир сўз билан айтганда – дунёнинг охири, деган маънода тақдим қиларди. Гўёки, ибн-Сино, ал-Беруний ва бошқа бир қатор жаҳон тан олган даҳолар бу ерларда яшамагандек.

Дэн Разернинг тасвиридаги Марказий Осиё эса олса арзигулик минтақа сиймосида бўлса-да, бундай ҳолат бир қатор янчилик хулосалар келтириб чиқаради. Бир томондан, бу ўлка шундай жойини мужассам этадики, АҚШ ва жаҳон ҳамжамиятининг ечимини топишга умид қилса бўладиган энг асосий ташвиши – бу минтақадан келиб чиқаётган хавф-хатарини чеклаш. Бу ўз навбатида, бизга хавф солаётган ҳар қандай нарсани бузиб ташлаб, бу ерни тарқ этишни назарда тутайди. Бундай ёндашув билан боғлиқ муаммо шундан иборатки, бу нарса кейинчалик ўзимизга хизмат қиладиган қуролга айланиши мумкин, чунки назаримиздаги умидсизликка, тушкунликка тушган ўлка ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб қолади ва бундан ҳам кўпроқ хавф туғдирувчи минтақача айланади. Марказий Осиё ва Афғонистоннинг тўрт – яқин келажакда, эҳтимол, беш – ядро қуролига эга бўлган давлатлар орасида жойлашганлиги масалани ечишга ёрдам бермайди.

Шуролар ва толиблар ҳукмидан ҳалос бўлганидан бери бу минтақадан китъа бўйлаб қадимий савдо йўллари қайта жонлана бошлади. Европада учатётган хиндистонлик ва корейликлар бу ерда тўхтаб ўтишди. Олти давлат ва шунча халқаро молиявий ташкилотлар мазкур минтақадан яқин келажакда Европа, Хитой, Хиндистон ва Яқин Шарқни боғловчи автоматистраллар барпо этиш билан банд. Бу ишларнинг марказий бошқарилмасиз амалга оширилаётгани шундан далолатки, буларнинг даражаси ва кўлами шу пайтгача эътибор жалб қилмади. Бирок, йўллар қурилиши хозир тўхтаётган бўлмайдиган даражадаги кучга айланди. Европа ва Хитойни боғлов-

олди хориж университетларига ўқишга юборилди. Минг йил аввал ажодлари бел боғлаган маърифатпарварлик руҳида Зоғистон ва Ўзбекистон ҳуқуматлари бу ёшларга энг замонавий билимлар олишлари ва уларни Ватанга олиб қайтишлари учун ҳоимийлик кўрсатдилар. Бу ёшлар ўзларининг минтақасини глобал гоёлар дунёси билан қайтадан боғлаш учун астойдил ниятлар билан қайтишмоқда. Кейинги ўн йиллик мобайнида мазкур ёш йигит-қизлар жамиятларида ва бутун минтақадан етакчи ўринларни эгаллайдилар. Ҳатто Афғонистонда Миллий университет, Америка университети ҳамда минглаб мактаблар ўсиб келаётган авлодга янги имкониятлар яратмоқда.

Ўсиб келаётган авлоднинг имконият уфқларини торайтириш ва уларнинг орзуларини чеклаш хавфи мавжуд. Баъзи ёшларнинг диний фундаменталли ташкилотларга ёки тор миллатчилик гуруҳларга жалб этилиши ҳам ташвишли ҳолат. Лекин Марказий осийликлар шахсни улуғлайдиган, ҳар бир шахсни идрок ва донолик мазмунда белгилайдиган ва ўша шахсни глобал тараққиётнинг асосий оқимларига жойлаштирадиган тайёр юксак маънавиятга йўлчи эгаларидир. Бу – 300 йил мобайнида ўзларининг минтақаларини интеллектуал дунё марказига айлантирган буюк аъёнандир.

Агар бу нарса хозирги кунда минтақадан истикомат қилаётганлар учун қаҳриқ бўлса, уларнинг халқаро шерикларига эса – минтақа мамлакатларини шахмат тахтасида турткиланган, маданий жиҳатдан инерт объектлар сифатида эмас, балки суверен давлатлар сифатида қабул қилишидир. Уларга шунчаки, Владимир Путин ҳуқумати таъбири билан айтганда, «бизнинг махсус манфаатларимиз доираси» сифатида; хитойликлар назаридоги хомаш ёки манбаи сифатида; ёки АҚШ назаридоги Қўбулга сафар чоғида ёқилги учун тўхташ жойи сифатида қараш етарли эмас. Бундан мақбулроқ муқобил шундан иборатки, буюк империяларини ва янада каттароқ савдо зоналарини бошқариш, дунёнинг бошқа маданий марказлари билан тенглар орасида мулоқотда бўлиш, ҳамда ўзларининг ноёб географик жойлашувларидан фойдаланган ҳолда цивилизациялар ўртасида алоқа ва кўприкка айланши салоҳияти қаердадир бу халқларнинг ДНКсида мавжудлигини тан олиш керак. Бу каби оғоҳлик ҳамма томонларда ишонч даражасини кўтарайди ва минтақанинг халқаро шерикларини Марказий Осиёга геосиёсий ўйин объектидан муҳимроқ макон сифатида қарашга ундайди.

Бу эса, ўз навбатида, осон кечмайди, лекин бунинг бошлаш учун муҳим шарт Марказий Осиёнинг ўтмиши ҳақида чуқурроқ билим ҳосил қилишдан иборатдир.

Ушбу мақола АҚШда чоп этилган: Rediscovering Central Asia / Summer 2009. Wilson Quarterly. 33-43 p

Муаллиф ҳақида: Фредерик Старр Жонс Хопкинс университетининг Пол Нитце номидаги Халқаро муносабатлар олий мактаби ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси. У Вудро Вильсон марказининг Кеннан институти тавсифчи раиси, Оберлин коллежи ҳамда Аспен институти президентини сифатида хизмат қилган. У ўз иш фаолиятини Туркияда археологик тадқиқотлар ва Принстон университетидан интеллектуал тарих фанидан дарс беришдан бошлаган. 2005 йил апрел ойида мутахассислар орасида баҳс ва мунозарага сабаб бўлган "Катта Марказий Осиё" концепциясининг тақдиротини ўтказди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ДАВРА СУҲБАТИ

Сиёсий жараёнларда сиёсий партияларнинг ўрни

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Хўш, давлатни бошқариш ва жамиятни ислоҳ қилишда сиёсий партияларнинг роли ва ўрни муҳим аҳамият касб этишини инобатга олсак, айни пайтда мазкур сиёсий институтлар томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда? Партия электроти манфаатларини ҳимоя қилиш, гоёлари, мақсад ва вазифаларини тарғиб этиш, уларни рўйбга чиқаришда фаолият кўрсатилаётганими? Партия фаоллари ва мутахассислар ўртасида ўтказилган давра суҳбатидан шу ва бошқа масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Нодир Курбонов, ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» раҳбари:

ЎзМТДП миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, миллий манфаатларимизни ҳимоялаш, асрий анъана ва қадриятларимизни асраб авайлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда ҳисса қўишни мақсад қилган фуқароларни ўз атрофида жипслаштирган экан, энг аввало, партия ҳам ўз электроти манфаатларини ҳимоя қилиши керак. Шундай экан, партия фидойилари халқимиз ишончини қозониши, миллий ўзгиримиз, жумладан, менталитетимизнинг асосий жиҳатларини, энг илғор, бошқаларга ўрнак бўладиган фазилатларини, олижаноб хислатларини ҳаётга татбиқ этсак, нур устига аъло нур бўларди.

Бобиржон Зияев, ЎзМТДП Андижон шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси раиси:

Дарҳақиқат шундай. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси миллий истиқлол, миллий тикланиш орзуси ва гоёси, миллат, инсон манфаатини муқаддас деб билган Ўзбекистон фуқароларини бирлаштиради. Партиянинг фидойи, зиёли аъзолари саъй-ҳаракатлари эса мана шу гоёларни жамият онги шуурига сингдиришга қаратилди.

Шароф Раҳимов, ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши Ижроия кўмитаси раиси:

Юқорида таъкидланган Бобиржон Зияевнинг ЎзМТДП шахс, жамият билан давлат ўртасидаги алоқани амалга оширади, деган фикрига қисқача қўшимча қилиб ўтмоқчиман. Жамият ва ҳукумат ўртасида алоқа ўрнатилиш фақат ЎзМТДП эмас, балки барча сиёсий партиялар мақсадидаги киради. Шунингдек, ҳар бир сиёсий партиянинг ўз аъзолари олдидаги вазифалари аниқ ва унинг моҳиятини инсон манфаатлари ташкил этади. Жумладан, аъзолар ҳуқуқларини таъминлаш сиёсий партиянинг энг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу ҳуқуқлар ҳар бир партиянинг Уставидан аниқ белгилаб берилган. Шулардан бири сиёсий партия аъзоси партиянинг дастурий ва бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, партиянинг турли даражадаги ташкилотлари томонидан ўтказилган тадбирларда иштирок этиш ҳамда партиянинг раҳбар органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадир. Сиёсий партиянинг муҳим вазифаларидан яна бири, бу сиёсий системанинг турли даражалари учун етакчиларни танлашдан иборат.

Бобиржон Зияев:

Шароф Амонович, сиёсий етакчиларни шакллантириш борасида партиянинг олдида ҳали қилинмаган ишлар талайгина. Бунинг ҳам ҳисобга олиш лозим. Албатта, сиёсий маданиятни шаклландириш, фаол етакчилар ўз-ўзидан сайловлар ва сайловолди урчушуларнинг мазмунли ўтишини таъминлайди. Зеро, сайловлар партияларнинг ҳокимиятнинг вакиллик органларида иштирок этишини таъминловчи механизмдир.

Сурайё Аҳмедова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

Юқоридаги фикрлар тўғри. Аммо биз мамлакатимизда сиёсий партияларга кенг имкониятлар яратиш берилаётган бир пайтда сиёсий партиялар бундан қай даражада фойдалана олаётгани, фаолияти ва ўз нуфузини янада яқшиллашда нималарга эътибор

бераётгани ҳақида фикр юритсак, айни муддао бўларди.

Бобиржон Зияев:

Бу борада биз неча тадбир ўтказганимиз ёки унда қанча фуқаро иштирок этгани ҳақида ҳисобот беришимиз ортиқча, деб ўйлайман. Барчамизга маълум, шу йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Ишмизни энг аввало, сайлов қонунчилигини пухта ўзлаштириш ва уни кенг тарғиб қилишдан бошлаш мақсадга мувофиқ бўларди. Тадбирлар давомида истиқлол йиллари давлатимиз учун сиёсий, иқтисодий ва маънавий, ижтимоий жиҳатдан, шунингдек суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида ҳар томонлама риёзаланиш ва юксалиш, жаҳон ҳам-жамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлганлигини чуқур очиб бериш зарур. Шунингдек, мустақиллик йилларида халқимизда миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшашдек турмуш тарзи шаклланишини алоҳида таҳлил қилиб беришимиз керак бўлади.

Бу йил сайловлар йили. Сиёсий партиянинг асосий вазифаси бу – сайловларда фаол иштирок этишдан иборат. Демократик жамият шариатида кўппартиявийликнинг қарор топиши сиёсий партияларнинг сайловларда қонун чиқарувчи ва маҳаллий вакиллик органларига ўз номзодларини ўтказиш учун ўзаро кураш олиб боришини тақозо этади. Жумладан, ЎзМТДП Андижон шаҳар кенгаши ҳам тайёргарлик ишларини бошлаб юборган.

Сурайё Аҳмедова:

Бу борада дەرли барча сиёсий партиялар ишга киришган, десам муболаға бўлмайди. Фикрингизни мисоллар билан ойдинлаштирсангиз янада яхши бўларди.

Бобиржон Зияев:

Жойларда партиянинг мақсад ва вазифаларини тарғиб этиш бўйича турли мавзуларда йирик тадбирлар, конференциялар, ўқув-семинарларни ташкил этиш янада кучайтирилди. Бундай тадбирларда партия фаоллари билан чегараланиб қолмасдан, аҳолининг кенг қатламларини жалб этишга ҳаракат қилаёلمиз. Иккинчи даражада шахримиздаги барча қорхона, ташкилот ва муассасаларга кириб бориб, партиявий мақсад ва вазифаларини тарғиб этмоқдамиз. Албатта, бунда партиянинг Марказий, вилоят ва шаҳар кенгашлари аъзолари ва фаолларимиз кўмагидан кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, аҳоли ўртасида партия нуфузини ошириш, тарафдорлари сонини кўпайтириш, ижтимоий қатламни мустаҳкамлаш ва энг муҳими сайловда партияимиздан кўрсатилган номзодларга овоз берадиган электротатни шакллантиришга жиддий эътибор бермоқдамиз.

Сурайё Аҳмедова:

Ютуқлар ўзимизники, ишнинг самарадорлигини яқшиллашда кўпроқ камчиликлар ҳақида тўхталсак ва унинг ечими изланса бугунги суҳбатимиз янада жонли, таъсирчан бўларди. Яширишнинг ҳожати йўқ, кейинги пайтларда юртимиздаги мавжуд сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам аҳолининг ижтимоий-сиёсий, маънавий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, халққа янада яқинроқ бўлишга ҳаракат қилмоқда. Бу борада жойларда тадбирлар, турли семинарлар ташкил этилаётди. Бироқ ҳалигача баъзи урчушуларда таъсирчанлик, ташаббускорлик ҳамда масъулиятни сезиш кийин. Ўзингизга маълум, тадбирлар бежизга ташкил этилмайди. Бунга бирор воқеа-ҳодиса, улкан янгиллик, ижтимоий-сиёсий жараён сабаб бўлади ва айнан шундай бевосита урчушулар жамоатчилигининг фикрини шакллантириш, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар билан аҳолини яқиндан таништириш, тушунтириш ишларини олиб боришда муҳим аҳамият касб этади. Менимча, бундай тадбирларни ўтказишдан аввал партия фаоллари маълум воқеани англаб эти-

ши, етарли маълумотга эга бўлиши, бошқача айтганда, «аравани қуруқ олиб қочмаслиги» керак.

Шароф Раҳимов:

Дарҳақиқат, 2009 йилнинг ўтган давридаги фаолиятимиз якунларидан кўриниб турибдики, партияимизнинг дастурий мақсадларини амалга ошириш юзасидан ижобий натижалар кам. Шу боис, фаолиятимизни тубдан ўзгартиришимиз, масъулият ва катта куч-ғайрат билан ишга ёндашимиз лозим. Фақат амалий фаолият, тинимсиз меҳнат, ташаббус ва масъулият доимий ҳамроҳимиз бўлиши керак.

Сиёсий партиянинг ўз Устав ва Дастуридан келиб чиқадиган партия аъзолари олдидаги вазифалари ҳам мавжуд. Булар аъзоларнинг фикр-мулоҳазаси, тақлифларини эшитиш, уларни керакли вакиллик органи орқали ижро ҳокимиятига тақдим этиш ва сиёсий жараёнларда ўз аъзоларининг манфаатларини илгарисириш, фаол аъзолардан тегишли маҳаллий кенгаш ёки Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод сифатида тавсия этишни ўз ичига олади. Демак, аввал, сиёсий партиянинг ўз электротати қатламини шакллантириш ва уларнинг манфаатлари юзасидан иш юритиш муҳим ижтимоий-сиёсий ҳодиса ҳисобланади. Бундан ташқари юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги умуммиллий гоёлар йўлида партия аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, эркин фуқаро маданиятини шакллантиришга жалб этиш сиёсий партиянинг ўз аъзолари олдидаги вазифаларидан ҳисобланади.

Сурайё Аҳмедова:

Жамиятимиз келажаги бўлган ёшларни тўғри тарбиялаш, уларни ҳар томонлама етук бўлиб вояга етиши учун мамлакатимизда кенг ислохотлар амалга оширилмоқда. Сиёсий партиялар «Ёшлар қаноти» бўғинининг мавжудлиги, ўйлаётгани, улар ёшлар масаласига ҳам эътибор бераётганлигидан далolat.

Нодир Курбонов:

Албатта. Усиб келатган авлод онгини миллий ва умуминсоний қадриятларга зид бўлган салбий таъсирлардан, «оммавий маданият» таҳдидларидан, диний ақидапарастлик каби иллатлардан ҳимоялаш, зарарли гоё ва мафқураларга, бузғунчи кучларга қарши курашга, энг аввало, ёшларнинг ўзини сафарбар қилишга эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, ёшларнинг мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда фидойи, ўз касбининг устаси ва етук мутахассиси бўлган ёшларнинг давлат бошқарувидаги муҳим мансабларни эгаллаши учун шариот яратиш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Сурайё Аҳмедова:

Айни пайтда кўпчиликни ташвишга солаётган, керак бўлса глобал муаммага айланган улгурган ОИТС ва гиёҳвандлик балоси, афсуски ёшларимизни ҳам ўз домига тортмоқда. Уларни мазкур зарарли таъсирлардан ҳимоялашда партияларнинг ўрни беҳис... Шундай эмасми?

Нодир Курбонов:

Ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун мавжуд барча имкониятларни ишга солиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, экологик маданиятни шакллантиришга жиддий эътибор қаратилган.

Миллий тикланиш мафқурасини миллий гоёмизга асосланган ҳолда кенг тарғиб қилиш ва уни аҳоли онгига сингдириш, замон талаблари асосида муттасил тақомиллаштириб бориш, шунингдек партиянинг дастурий мақсадлари асосида ижтимоий қатламни яратувчилик ва бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш ҳамда халқимиз келажагига дахлдор масалаларни қонун ва қарорлар қабул қилиш орқали ҳал этиш муҳим вазифамиздир.

«Milliy Tiklanish» мухбири Сарвар ХУРРАМОВ ёзиб олди



ПЛЕНУМ

Сайловга тайёргарлик кўриш етақчи мавзуга айланди

(Давоми.
Боши 1-бетда)

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик ҳолати ҳамда партия наشري ҳисобланган «Миллий тикланиш» газетасига «обуна» ташкил қилиш ҳақида партия МК Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев маъруза қилди.

Пленум кун тартибига низоъда жиддий ва барчамиз учун масъулиятли, яъни шу йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўриш масаласи қўйилган. Бу сайлов, ўтган беш йиллик фаолиятимизни сарҳисоб қиладиган, оддийроқ қилиб айтганда галвир сувдан кўтариладиган синов вақтидир. Хўш, партия ташкилотлари бу сайловга қандай тайёргарлик кўраётми? Биргина шу савол атрофида фикр юритсак, аввало, партия Платформасини тузиб олиш керак бўлади. Чунки, партия давлатимиз ва халқимиз ҳаёти учун қандай вазифаларни муҳим деб билишини ҳамда ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайланадиган депутатлари орқали қандай ишларни

амалга ошироқчилигини айнан ана шу сайловда Платформасида акс эттирилади. Шу боис, партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси бу масалага йил бошидаёқ алоҳида эътибор билан ёндашиб, партия сайловда Платформасининг концепцияси, лойиҳасини тайёрлаш бўйича партия Марказий Кенгаши ва Ижроия Кўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларидан таркиб топган ишчи гуруҳи тузилди. Пленумда ЎзМТДП шаҳар кенгашининг 2009 йилга мўлжалланган сметасининг саккиз ой давомидаги ижроси ва аъзолик бадалларининг тушуми тўғрисидаги масала юзасидан партиянинг шаҳар кенгаши Ижроия Кўмитаси бош ҳисобчиси Э.Олимов сўз олиб, партиянинг туман кенгашларидан йиғилган бадаллар тушуми сўз эканлигини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, пленумда партиянинг туман кенгашлари Ижроия Кўмиталари раислари зиммасига бир қатор вазифалар, жумладан, туманларда партиянинг мақсад ва вазифаларини тарғиб этиш бўйича турли мавзуларда тадбирлар, конференциялар, ўқув-семинарлар ташкил этишни янада жонлантириш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига бўлиб ўтадиган сайловларга депутатликка номзодлар

заҳирасини шакллантириш ишларини кучайтириш ҳамда сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни юқори даражада ўтказилишини ташкил этиш мақсадида ЎзМТДПдан кўрсатилаётган номзодларни қўллаб-қувватлаш бўйича гуруҳлар тузиш ишлари юқлатилди.

Жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомидаги фаолиятимиз якунлари шунини кўрсатмоқдаки, партияимизнинг дастурий мақсадлари юзасидан амалга оширилган ишлар кўтилган натижага бермаган. Шу боис барчамиз учун катта синов – жорий йилнинг сайловгача бўлган даврида фаолиятимизни тубдан ўзгартиришимиз, масъулият билан ишга ёндашмоғимиз зарур. Келгусидаги яна бир муҳим вазифамиз сайлов кампаниясини қандай олиб бориш ва асосий эътиборни нималарга қаратиш юзасидан барча сайловда тайёргарлик ишларини кучайтиришимиз лозим, деди Р.Қосимов.

Пленум иштирокчилари ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг сайлов кампаниясига тайёргарлик ишлари юзасидан ўзларининг бир қатор тақлиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Пленумда муҳомада қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ИЖТМОИЙ ҲИМОЯ

Бўш иш ўринлари ярмаркаси

унда 89 нафар ёшлар ва 104 нафар аёллар ишга жойлашди

Гулистон Давлат университетининг Биология факультетини тамомлаган Дилфуза Сулейманова тенгдош дугоналари билан Гулистон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғига йўл олишди. Чунки боғда Дилфуза каби ўқув юртини тамомлаган ёш мутахассислар учун бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари ярмаркаси ўтказилаётган эди. Вилоятдаги бир қатор ташкилотлар иш бевуви сифатида қатнашган меҳнат ярмаркасида Дилфуза Гулистон шаҳридаги 3-сонли умумий ўрта таълим мактабига ўз мутахассислиги бўйича ишга қабул қилинди. Бунинг қаранги, нафақат олий ўқув юртини тамомлаган, балки ўрта махсус маълумотга эга бўлган битирувчилар ҳам ҳудди шу кунини ишга жойлашди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг 1 август ҳолатига кўра вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан 11232 нафар ишсизлар рўйхатга олинган. Шулардан 9141 нафарини касб-хўнар коллежлари ва олий ўқув юртларининг битирувчилари ҳамда 3877 нафарини аёллар ташкил қилади.

Бу эса аҳолини иш билан таъминлаш борасида янада кўпроқ амалий ишлар қилишни тақозо этади. Шу мақсадда вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош

бошқармаси ҳамда ЎзМТДП вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» ва «Ёшлар қаноти» томонидан ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Вилоятнинг Мирзаобод тумани ҳамда Гулистон шаҳрида жойлашган 62 та ҳўжалик, қорхона, ташкилот ва муассасалардаги бўш иш ўринларини тўлдириб, аҳолининг иш билан банд бўлмаган қатламини, жумладан хотин-қизлар, вояга етмаганлар, ўқув юртлари битирувчилари, ҳарбий хизматдан қайтганларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ташкиллаштирилган меҳнат ярмаркасида 118 нафар ишга кирувчиларга Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни ва Меҳнат кодексини, иш ўрни қисқарган ҳодимларни ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоялаш кафолатлари, армия сафидан қайтган зобитлар ва аскарларни ишга жойлаштириш, иш жойини ўзгартириш ва касб танлаш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишлари бўйича хизматлар кўрсатилиб, маслаҳатлар берилди.

Бир кун давом этган меҳнат ярмаркасининг натижалари таҳлил қилингандан, мавжуд 256 та бўш иш ўрнига 210 нафар ишчи қабул қилиниб, шундан 89 нафарини ёшлар, 104 нафарини эса хотин-қизлар ташкил қилди.

Тадбир якунида ҳакамлар ҳайъати томонидан энг фаол қатнашган иш бевувилар аниқланиб, уларга ЎзМТДП ҳамда «Қамолот» ЕИҲ вилоят кенгашларининг эсдалик совғалари топширилди.

Махфират МАҲКАМОВА, ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти» раҳбари

МАЪНАВИЯТ

БУГУННИНГ ГАПИ

Китоблар ортидаги хитоблар

Китоб — қамолот манбаи. Шунинг учун дунё ҳар қанча тараққий этмасин ёки бир-бирдан ноёб ва оламшумул кашфиётлар яратилмасин, буларнинг барчаси китобнинг ёрдамида амалга ошади ва китобнинг ўрни муҳимлигича қолаверади.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ,
“Туркистон-пресс”**

Китоб ноширчиликнинг тайёр маҳсулот сифатида муайян китобхон учун мўлжалланиб нашр этилади. Лекин китоб нашри ҳаракатдаги улкан бир тизимнинг дастлабки босқичи, холос. Унинг иккинчи қисми маҳсулотни сотиш ва харид қилиш жараёнларидан иборат. Бу тизим мамлакатимизда қандай ишламоқда.

НАРХИ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?

Марказий кўчалар бўйлаб тизилган савдо расталари, бозорлар ҳамда китоб дўконларида китобларнинг нархи бир-бирдан анча фарқли. Кўпчилик харидорлар бунга кўп эътибор бермайди. Лекин бозордаги китобнинг нархи ҳатто китоб дўконларидан ҳам қиммат эканига нима дейсиз?

Китоб савдосида китобни 40 фоизгача устама нарх билан сотиш мумкин. Аммо ушбу 40 фоиз нимага асосланган ҳолда чиқарилмоқда? Бу саволга Тошкент шаҳридаги китоб дўконлари ва расталари мисолида жавоб қидириб кўрсак, ўқув дарсликлари муқова ортида кўрсатилган давлат стандартлари асосида сотилар экан.

Бадий адабиётнинг жойлардаги нархида фарқ катта. Тоғай Муроднинг “Янги аср авлоди” нашрида чоп этилган биринчи том сайланмаси “Шарқ зиёкори”да 4300, Навоий-30 да 6000 сўм, МУМда 5500 сўм, Катортал савдо марказида 4500 сўмга сотилмоқда. Ҳўш, нега битта китобнинг нархи ҳар жойда ҳар хил?

Мутахассисларнинг фикрича, нашрдан чиққан китоб нархи ўзига ёзилмаётгани боис китобни “эркин” нархда сотиш авж олиб кетган. Нарх китобнинг ўзига ёзилса, уни меъёри-

дан ошириб сотишга чек қўйилар, қолаверса, харидорга истеъмолчилик ҳуқуқини талаб этиш учун асос яратилган бўлар эди.

ХАРИДОР КИМ?

Ҳозирги кунда китоб учун пул сарфловчилар унчалик кўп эмас. Шунингдек, кичик бўлса-да, ўз шахсий кутубхонасига эга ёшлар ҳам кам. Тўғри, уйда талайгина китоблари бор ёшлар кўп. Бироқ бу китоблар уларнинг ота-онаси томонидан тўпланган ёки қимданган эсдалик қолган, холос.

Аксарият ота-она фарзандига кунлик еб-ичишига пул беради. Аммо боласига китоб харид қилиш учун пул бермайди. Ёхуд совға ўрнида бирор бадий китоб ҳам сотиб олмайдилар. Ақсинча, улар “Китоб харид қилишга пул ортамапти”, “Нархи фалон пул экан-а” қабилида шикоят қилиб юради. Шунга монанд ёшлар ҳам кунлик харажатларидан чегириб китоб олишга уринмайди.

Китобга меҳр оилада шаклланади. Боласи учун барча кўнгилхушлиқларни муҳайё қилиб берган ота-онанинг фарзандида китобга ҳавас уйғота олмагани таажубли ҳол. Бугунги болакайнинг эртас эшитишдан кўра мультфильм ёки жангари фильм кўриши хушлашига, чорак соатлик мутулаадан кўра, вақтини компьютер ўйинлари устида сарфлашни афзал кўришига аслида ота-она айбдор эмасмикан? Китоб қаршида бегонасирайдиган, аммо ўйнақчоқни кўриб яйраб кетадиган болакайнинг енгил ҳаётга ошқабатганини нахотки пайқай олмаётган бўлсак. Ахир, фикру ҳаёлини компьютер ўйинлари банд қилган бола бегубор болалик онларидан йироқлашиб бораётганини сезмайди. Биз катталар эса бир лаҳзалик орзу ҳавас учун бор-йўғимизни аямаймизу ки-

тобга келганда тараддулланамиз. Уни харид қилмаслик учун турли баҳоналар қидирамиз.

Бироқ, истаимизми-йўқми, инсон доимо китобга муҳтож бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

СОН МУҲИММИ, СИФАТ?

Кўп нусхаларда чоп этилаётган китобларнинг барчасини ҳам талаб даражасида дейиш қийин, хусусан, бадий асарларни. Айниқса ҳозир эндигина мактабга қадам қўйган ҳажжи болакайнинг шеър ёзаётгани ҳақида лоф уриш мода бўлди. Аммо у вундеркенд ёзган “шеър”ларда ҳали истеъдод учкунлари кўринмайди. Ҳомийлари уч-тўртта сўзни қўшиб ёзаётган бола бечорани дарҳол “талантли шоир”га айлантириб юборишди. Айниқса, бундай ёшда-гиларнинг шеър тўпламларини чиқариши тобора урфга айланиб бормоқда. Турли муқофот ва совринларни кўзлаган, ҳали мактабни битирмаган ўсмирнинг бештадан китобчаси бор.

Қизиқ, бу шеърларнинг савияси нашр учун яроқли эканини чамалайдиган бирорта мутасадди йўқми? Аслида нашриётлар савз китоб чиқариш орқали эмас, балки кенг муқабил эътиборини жалб этадиган китобларни чоп этиб шундан тушадиган маблағ орқали даромадини ошириши лозим эмасми? Бироқ бугун атрофга назар ташласангиз, бунинг акси кўпроқ кўзга кўринади.


ЎҚИШ ЭМАС, ТОПИШ МУАММО

Замонавий ноширчилик технологияси китоб чиқариши анча энгиллаштирди. Шунингдек, бу ускуналар китобларни сифатли, ранг-баранг ва ҳамёнбоп қилиб чиқаришга имкон яратди. Улар ёрдамида бир неча минг ва ҳатто миллион нусхадаги китобларни қисқа фурсатда сифатли суратда нашр этиш мумкин. Бунинг учун маблағ ҳам етарлидир. Аммо нашриётлар шу қадар катта бюртмани бемалол баҳарлашга тайёр бўлиб турган бир пайтда китобхон талабини тўғри аниқлаш жуда муҳим...

Тўғри, китобхон талабини ҳар доим ҳам аниқлашнинг имкони мавжуд эмас. Айни кунда китобларнинг ўқувчи қўлига етиб бориш масаласи анча долзарб бўлиб турибди. Шубҳасиз, китобларнинг тез сотилишидан нашриётлар ҳам манфаатдор. Китоб ўз ўқувчисини топа олмаган тақдирда бундан ўз вақтида хабардор бўлган нашриёт вазиятни дарҳол яхшилашга киришади. Аммо китоб китобхон қўлига етиб бормаётган бўлса-чи? Бу алоҳида мушоҳадани талаб этадиган масала.

Бугун китоб савдосини қониқарли деб бўлмайди. Аслида нашрдан чиққан янги китоб энг аввало китоб дўконларига етиб бориши керак. Аммо аксарият харидорлар китобни кўчадаги савдо расталаридан олишни маъқул кўрмоқда. Натияжада илгари доимо гавжум бўлган китоб дўконлари хувиллаб қолган. Чунки янги китоблар ҳар доим ҳам китоб дўконларидан топилаётган. Аксарият дўконларда жуда кам турдаги китоблар учрайди, холос. Бу ҳолат, айниқса, чекка туманларда кузатилади. Бу ерда янги китоблар сотувда жуда кам. Дўкон пештахталарига нари-бери тахлаб қўйилган уч-тўрт китобнинг бори ҳам анча йил илгари чиқарилган. Китоб дўконларининг бу каби ачинарли аҳволга келиб қолишига ким айбдор? Ҳар қуни ўша “кўримсизгина” дўкон олдидан ўтиб, ундан бирор китоб харид қилишни ҳаёлига келтирмайдиган юртдошимизми ёки китобнинг ўқувчилар қўлига етиб бориши учун масъул шахсларми?

Узини-ўзи зўрга эплайётган, баъзан эса касодга учраб ёпилиб қолган китоб дўконларининг бугунги аҳволини яхшилашни ким зиммасига олади? Қишлоғида биронта китоб дўкони бўлмаган ёшларнинг эртанги келажаги учун ким қайғуради? Қўллаб дўконлар фаолият кўрсатаётган қишлоқда битта китоб дўкони қуриш шунчалик қийин ишми? Ҳеч бўлмаганда озик-овқат ёхуд бошқа нарсалар билан савдо қилаётган дўконларнинг бир чети китоблар учун ажратилса-ю, одамлар бирон нарса сотиб олаётганида зора китобга ҳам қўзи тушса...



Республикаимизнинг барча вилоятлари ҳам нашрдан чиқаётган янги адабиётлар, бадий китоблар, турли қўлланма ва бошқа нашрлар билан етарли даражада таъминланаяпти, деб бўлмайди. Имкон қадар етказиб берилаётгани ҳам вилоят ва туман марказидаги китоб дўконларидан ортайди.

— Мен Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманининг Вахшвор қишлоғида яшайман,- дейди Гулиасал Ҳамроқуллова. — Қишлоғимиз туман марказидан анча узоқда. Бундан тўрт-беш йил аввал бу ерда қишлоқ кутубхонаси бор эди. Ўқувчилик давримизда “Ширин холянинг кутубхонасидан китоб оламиз”, дея синфдошлар бу ерга келардик. Шу кутубхона туман марказига кўчирилди.

Тўғри, китобларни вилоятларга етказиб бериш учун кўп маблағ талаб этилади. Лекин бу ҳол китоб савдосини етарлича тўғри йўлга қўймаслик учун сабаб бўла олмайдди. Айни пайтда бевосита китоб савдоси билан шуғулланувчи йирик ташкилотлардан бири “Ўзқитобсавдо” ДАК ҳисобланади. Биз ушбу ташкилот раҳбарларига мурожаат этиб, республикаимизнинг чекка ҳудудларига янги китобларни етказиб бериш қай даражада йўлга қўйилгани, жойлардаги китоб савдоси билан боғлиқ камчиликларнинг сабаблари, аҳоли эҳтиёжларини қондириш, китобхонларнинг талаб ва тақлифларини ҳисобга олган ҳолда қандай ишлар олиб борилаётгани ҳамда

айни кунда уларнинг китоб билан таъминланишида учрайдиган суст-кашлиқларни бартараф этиш мақсадида компания томонидан қандай чоралар кўрилаётгани билан боғлиқ саволларга жавоб олишга ҳаракат қилдик. Аммо ташкилот мутасаддиларидан қониқарли жавоб ололмадик.

Компаниядан олинган маълумот шу бўлдики, жорий йилда барча вилоятларда китоб ярмаркалари ўтказилган. Унда қатнашувчиларнинг талаб ва тақлифлари ўрганилиб тегишли ташкилотларга етказилган. Шунингдек, муаллифлар асосан нашриёт уйлари билан ҳамкорликда фаолият юритаётгани ва чоп этилган янги китоблар ноширлар томонидан тарқатилаётгани таъкидланган, холос.

КЎФИР-ЧОҚДАН ФАРҚИ ЙЎҚ

Китоб билан “қуролланмаган” киши шафқатсиз ёв қошида ожиз қолгандай гап. Ёки илмсиз киши кўфирчоқдан кўп фарқ қилмайди. Уни истаган киши ўзи хоҳлаган ногорасига ўйната олади. Демак, бундан англашиладики, китобхонлик, китоб наشري ва савдоси энг долзарб муаммо. Агар бу ишга панжа орасидан қарар эканмиз, шубҳасиз бундан келажак авлод кўп нарса йўқотади.

Хуллас, бу борада жиддий ўзгаришлар қилмасдан қўлга киритаётган ютуқларимизни мустаҳкамлай олмаимиз.

МУТОЛАА

Мустақиллик тарихига ҳолис нигоҳ

Жамият тубдан ўзгараётган, турмуш тарзи бутунлай янги мазмун ва моҳият касб этаётган бир пайтда ижтимоий-сиёсий жараён ҳам кучайиб бормоқда.

**Карим НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори, профессор**

Бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз сўзи ва қатъий сиёсий позициясига эга бўлган давлат сифатида ижтимоий, иқтисодий ривожланишнинг барқарор йўлига чиқиб олган, хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунёнинг энг йирик ва ривожланган давлатларига таҳдид солаётган бир пайтда Ўзбекистон шароитида унинг бартараф этиш йўллари ва чоралари аниқ белгиланган.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллигига тўхта сифатида Фахур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан нашр этилган “Мустақил Ўзбекистон тарихи” китоби Ватанимизнинг энг янги тарихидан ҳикоя қилади. Муаллифлар таниқли олимлар Нарзулла Жўраев ва Турсунбой Файзуллаев Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларини кенг қамровда таҳлил қилишган.

Ушбу китоб саккиз бобдан иборат бўлиб, мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши, жамиятни модернизациялаш даврида сиёсий ислохотлар, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриши ва фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши, иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос тамойиллари, Ўзбекистонда маънавий-руҳий поклини ва миллий қадриятларнинг тикланиши, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши сингари ахлит, тизимли, илмий жиҳатдан изчил, мазмун жиҳатдан эса бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини давом эттирадиган композицион бирлик асосига қурилган.

Китобда мавзулар ва воқеа-ҳодисалар ижтимоий-сиёсий жараёнлар раван ва содда тилда жозибали ифода этилган. Илмийлик билан бадий-

лик, назарий хулосалар ва таҳлиллар билан публицистик услуб табиий равишда уйғунлашиб кетган. Китоб Ватанга, мустақилликка муҳаббатни оширадиган, миллат ва мамлакат тақдирига бефарқ бўлмасликка даъват этадиган фикрлар, мулоҳазалар ва таҳлилларга бой.

Утиш даврининг ўзига хос хусусиятлари бор. Тарихий жараён шундан гувоҳлик берадики, жамият тубдан янгиланаётган, турмуш тарзи кескин ўзгараётган, фуқаролар тафаккурида туб бурилишлар ва янгиланишлар юз бераётган бир пайтда давлат бош ислотчилик вазифасини зиммасига олиб жамият тақдирига жавобгар бўлади. Фуқаролар эса ўз истикболини давлат, хусусан, давлат раҳбарига ишониб топширади. Бошқача қилиб айтганда фуқаролар мўлжални давлат раҳбарига қараб олади. Ўзбекистонда ҳам ана шундай воқелик юз берди. Давлат билан жамият, давлат сиёсати билан фуқаролар мақсад манфаатлари уйғунлашиб кетди. Бош ислотчилик сифатида давлат бунга эришди. Натияжада бошқа ёш мустақил давлатлар орасида Ўзбекистон ҳар томонлама кучли, қудратли, қатъиятли давлат сифатида ўзини намойн қила олди. Мазкур китобда тарихий жараёнлар, мустақиллик эволюцияси босқичма-босқич ва изчиллик билан ифода этилади.

Китобда Ўзбекистон давлат суверинитетининг эълон қилиниши, мустақиллигининг умумхалқ томонидан қўллаб-қувватланиши, Ўзбекистоннинг мустақиллик шароитида ўзига хос истиклол ва тараққий йўли, мустақиллик ҳуқуқий асосларининг яратилиши жараёнлари аниқ мисоллар, ҳужжатлар ва илмий манбалар билан ёритилганки бу мустақиллик тарихи-

ни илк давридаги ўзига хос мураккаб жараёнларни аниқ ва равшан тушунишга ёрдам беради.

Мустақиллик даври тарихини ёзишнинг ўзига хос осон ва қийин томонлари бор. Осон томони шундаки, бизнинг ўзимиз жараёнлар ичида яшаймиз, ҳар бир воқеа ва ҳодисага тирик гувоҳ бўлиб турибмиз. Бундай пайтда тарих ёзаётганда гўёки кўрган-кечирганларимизни осонгина қоғозга тушираётгандай. Мураккаб томони шундаки, юз бераётган воқеа ва ҳодисаларнинг ич-ичига киришга, бутун моҳиятини англашга, бор қўлами билан баҳолашга имконимиз камроқ. Чунки воқеалар шиддати, ислохотлар оқими бизнинг тафаккуримиз ўзгариши жараёнларидан анча олдинда. Шунинг учун уни тўла қамраб олиш қийин. Муаллифларнинг ютуғи шундаки, аниқ далиллар, ҳужжатлар, рақамлар асосида уларни таҳлил қилади, фалсафий мушоҳада юритади. Ижтимоий-моҳият излайди. Сиёсий таҳлил қилади ва мантиқий хулосалар чиқаради.

Мамлакатимиз раҳбари 2007 йил, 30 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мустақилликнинг 16 йиллигига бағишланган қўша мажлисига “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” мавзусида маъруза қилиб “Мустақилликка эришиш даври ҳақида, эски тузум инқирозига дучор бўлиб, собиқ иттифоқ парокандаликка юз тутган бир пайтда мамлакатимизда тобора кескин тус олган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият, ўзлигимизни англаш ва топталган миллий ғуруримизни тиклашга қаратилган интилиш кучайиб борган, Ватанимиз мустақиллигини қўлга киритиш қандай шароитда кечгани ҳақида ахлит, ягона ва холис қўб билан қараб баҳо берадиган таҳлил-тадқиқот ҳозирча амалда йўқлигини афсус билан айтишга тўғри келади” деган эди. Назаримизда қўлимиздаги ушбу “Мустақил Ўзбекистон тарихи” китоби ана шу талабга жавобан илк қадамлардан бири бўлади.

ҚОНУН ВА ИЖРО

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалари қўмитасида “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”нинг Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари тасарруфидаги таълим муассасаларидаги ижроси хусусида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Малакали кадрлар – эртаимиз асоси

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари тасарруфидаги таълим муассасаларида “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси қай даражада амалга оширилаётгани хусусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати У.Исмоиловнинг ҳисоботи тингланди. Таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги таълим муассасаларида барча тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларнинг ижроси бугунги талаби даражасида амалга оши-

рилмоқда. Шу билан бирга таълим муассасаларида курсантларни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялаш, буюк боболарига муносиб ворислар қилиб тарбиялаш борасида изчил ишлар қилинмоқда. Шунингдек, барча билим юрларида Президентимиз Ислום Каримовнинг “Юсак маънавият-енгилмас куч” асари ўқув дастурига киритилган.

Малакали кадрлар тайёрлашда педагог-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти алоҳида ўрин тутди. Бу борада Республика Ички ишлар вазирлиги Академиясида ҳеч қандай муаммо йўқ. Бу ерда фаолият кўрса-

таётган 278 нафар педагог-ўқитувчиларнинг 88 нафари фан номзоди ва 13 нафари фан докторларидир. Ички ишлар вазирлиги Академиясида Ички ишлар идораларига малакали кадрлар тайёрлаш ишларини янада яхшилаш, ўқув моддий базасини тақомиллаштириш мақсадида режа асосида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, тингловчиларнинг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида 143 та компьютер, 99 та видеотехника тўпламлари, 265 та телевизор, 32 та нусха кўчириш аппаратураси, 241 та кондиционер ва турли мебель ва жиҳозлар ажратилди.

ИҚТИДОР

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида халқро фестивалда муваффақиятга эришган мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг икки нафар ўқувчисини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Иқтидорли болалар муваффақияти

8-12 сентябрь кунлари Италиянинг Фермо шаҳрида зарбли чолғулар бўйича ўтказилган 7-халқро мусиқа фестивалида мактабнинг 2 нафар ўқувчиси совринли ўринларни эгаллади.

Йиғилишда Халқ таълими вазири Ғайрат Шоумаров сўзга чиқиб, иқтидорли ўқувчиларини, уларнинг ота-оналари ва устозларини табриклади. Мамлакатимизда таълим тизимида яратилаётган имкониятлар ўқувчиларнинг ўз иқтидорларини юзага чиқаришига замин яратаётганини таъкидлади. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида тақомиллаштириш, ёшларга миллий ва жаҳон мусиқа дурдоналарини ўргатиш ва шу йўлдаги маърифий-маданий ислохотларни тубдан яхшилашга қаратилаётган эътибор ўз натижасини бераёпти.

Жаҳоннинг эллиқдан ортик давлатларидан вакиллар иштирок этган халқро фестивалда мактаб-интернат ўқувчилари Шомил Усубхўжаев би-

ринчи ўрин, Жаҳонгир Файзуллаев эса учинчи ўринга муяссар бўлди.

Биласизми, агар боланинг ўзида қобилият, тўғра иқтидор бўлмаса, қилинган ҳаракатлар ўзини юз фоиз оқламайди,- дейди уларнинг устози Убайдулла Тошматов. - Қизиғи, ўқувчиларимиз муваффақиятга эришган дамли ва зарбли чолғу асбобларини йўналиши айнан бизга Европада кириб келган. Болаларимиз европаликларнинг миллий чолғу асбобини чалишда улардан ўзиб, мамлакатимиз байрогини баланд кўтарди. Айнан дамли ва зарбли чолғу асбобларини чалиш йўналиши мамлакатимиз бўйича фақат бизнинг мактаб-интернатимизда мавжуд. Шу сабаб, ҳар йили жаҳон фестивалига ўқувчиларимиз бориб, совринли ютуқларни қўлга киритиб келишади.

Ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари, устозлари вазирлиқнинг қимматли эсдалик совгалари билан тақдирланишиди.

“Туркистон-пресс”

Ижара тизими

2008-2009 ўқув йилида ўқувчиларнинг шу орқали дарсликлар билан таъминлаш кўрсаткичи 98,1 фоизга етди. Бу соҳада эришилган энг катта натижадир

Акобир САЙИДОВ,
"Milly tiklanish" мухбири

Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда мактаб фонди, ота-она ҳомийлиги, шулар қатори йилдан-йилга асосий таъминот воситасига айланиб бораётган ижара тизимининг ўрни беқиёс. Тизимни янада шакллантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар кўпчилиги қизиқтириши табиий. Шу боис, Халқ таълими вазирлиги Дарсликлар ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиб бўлимоқчи бошлиғи Зулфия Давроновага дастлаб ижарадан кўзланган мақсад ва вазифалар, тизимда жорий этилаётган ўзгаришлар тўғрисидаги савол билан мурожаат этдик.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 ноябрдаги "2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида"ги Қарорига биноан Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан 2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларини нашр этиш дастури ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, Юртбошимизнинг 2006 йил 31 майдаги "Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган бўлиб, унда умумтаълим мактаблари 1-синф ўқувчилари учун дарсликлар ҳар йили, 2-4-

лат бюджети маблағлари ҳисобидан умумтаълим мактабларининг алоҳида тоифадаги ўқувчиларини дарсликлар билан манзилли таъминлаш тартиби аниқ кўрсатилган. Бунга кўра 1-синф ўқувчилари, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари, махсус мактаб ва мактаб-интернатлари ўқувчилари ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари дарсликлар билан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланади. Ҳар йили ижтимоий қўлаб-қувватлашга муҳтож оилалар рўйхати маҳалла фуқаролар йиғини тавсияси ва ота-оналар йиғини ҳулосаларига асосланган ҳолда умумтаълим муассасаси педагогик кенгаши қарори ва директор буйруғи билан тасдиқланади.

Жумладан, 2009-2010 ўқув йилида 4-синфлар учун 524536 нусхада, 6-синфлар учун 1 млн. 547 минг 927 нусха, 7-синфлар учун 1 млн. 841 минг 154 нусха дарсликлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан чоп этилиб, ўқувчиларнинг бепул таъминланиши белгиланган. Бу кўрсаткич ушбу синфларда таълим олаётган ўқувчиларнинг 13,2 фоизини ташкил этади.

Ижара тизимини тўлақонли йўлга қўйишида камчиликлар кўзга ташланаяптими? Асосан қайси жабҳаларда?

Бу саволингизга жавоб беришда ҳам фактларга суянсақ мақсадга мувофиқ бўларди. Эътибор берсак, 2004-2005 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг ижара тизими асосида дарсликлар билан таъминланиши 82,2 фоизни ташкил этган эди. 2005-2006 ўқув йилида 92,1 фоиз, 2007-2008 ўқув йилида 95,7 фоиз бўлса, 2008-2009 ўқув йилида эса бу кўрсаткич 98,1 фоизга етди. Бундан келиб чиқадиги, олдинги йилларга нисбатан ўсиш кузатишмоқда. Тўғри, айрим камчиликларни ҳам инобатга олиш лозим. Уларни бартараф этиш учун қатор чора-тадбирларни кўряпмиз. Масалан, айтиш пайтда ота-оналар томонидан ижара пулини вақтида тўлаш жараёнининг сифатини ошириш юзасидан жойларда тарғибот, тушунтириш ишларини олиб боришида суҳбатчиликка йўл қўйилмоқда. Оқибатда маълум тушунмовчиликлар, маблағларнинг йиғилишида камчиликлар юзага келмоқда. Бу борада доимий равишда оммавий ахборот воситалари орқали долзарб мавзуларни ёритиб боришимиз лозим.

Ҳозирги кунда Республикадаги барча умумтаълим мактабларининг 1-9-синф ўқувчилари тўлиқ дарсликлар билан таъминланган. Истиқлолнинг илк йилларида бу кўрсаткичга эришиш орзудай бўлиб туюлган эди. Айтиш дамба эса фарзандларимизнинг жаҳон олимпиядаларида кимё, математика ва бошқа фанлардан етакчилиكنи қўлдан бермаётгани ҳам бунинг далилидир.

синфлар учун икки йилда бир марта ва 5-9-синфлар учун тўрт йилда бир марта янгилиниши кўрсатилган. Ушбу қарорнинг еттинчи бандига асосан Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан "Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланган. Юқорида қабул қилинган Қарор ва Низомлар асосида умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг мактаб кутубхонаси фонди дарсликлар тўпламидан тўлов асосида бир йил давомида, ўқув йилида вақтинчалик фойдаланиши кўзда тутилган.

Ижара тизимига кирувчи дастурлар рўйхати ҳар йили Республика мақсадли китоб жамғармаси (РМКЖ) Вазирлиги кенгаши томонидан тасдиқланади ва 1 сентябрга қадар умумтаълим муассасаларига келгуси ўқув йилига дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар ишлаб чиқариш ҳамда тарқатиш бўйича прогноз квоталарини тузиш учун етказилади. Умумтаълим мактаб ўқувчиларига Халқ таълими вазирлиги томонидан фойдаланиш учун тавсия этилган дарсликлар ижарага берилди. Ҳар бир синф учун тўлиқ бўлган дарсликлар тўплами ижара тўлови Республика бўйича ягона ҳисобланади, унинг тўлов ҳажми ва шакли РМКЖ Вазирлиги кенгаши томонидан белгиланади ва Халқ таълими вазирлиги томонидан оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади. Дарсликлар тўплами учун ижара тўловини тўловчилар ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнидаги шахслар ҳомий ҳисобланади.

Ҳўш, унда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари, умуман ҳомийси бўлмаган ўқувчилар дарсликлар билан қандай таъминланади?

Тўғри савол. Юқорида тилга олинган Низомнинг учинчи бўлимида Дав-

Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш дастури қай даражада амалга оширилди?

Энг муҳими, ушбу давр мобайнида маълум таълим тизими шакллантирилди. Албатта, у вақт ўтган сари замонавийлашиб, ривожланиб бораверади. Таълим соҳасидаги ўзгаришлар ва янгиликларнинг бирор муваффақиятга эришиб бўлмади.

Эътибор берсак, ҳозирги кунда Республикадаги барча умумтаълим мактабларининг 1-9-синф ўқувчилари тўлиқ дарсликлар билан таъминланган. Истиқлолнинг илк йилларида бу кўрсаткичга эришиш орзудай бўлиб туюлган эди. Айтиш дамба эса фарзандларимизнинг жаҳон олимпиядаларида кимё, математика ва бошқа фанлардан етакчилиكنи қўлдан бермаётгани ҳам бунинг далилидир. Қолаверса, замон талабига жавоб берадиган дарсликлар яратиш, унинг муносиб муаллифларини аниқлаш масаласида танловлар ўтказилаётгани, бу дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларини тобора такомиллаштириш, айрим камчиликларни бартараф этишда муҳим омили бўлмоқда. Масалан, дарсликлар ва ўқув-методик комплексларни яратувчи муаллифлар таркибининг танлаб олиш ва тасдиқлаш бўйича ўтказилаётган танлов ҳам шулар жумласидандир. Айтиш пайтда давом этаётган танловдан кўзланган мақсад юқорида айтганимиздек, ўзида фаннинг муҳим ютуқларини сингдирган дарсликларни яратиш ва бевосита уларнинг муаллифларини ҳам рағбатлантиришдан иборат. Бу каби тадбирлар келажакда албатта ўзининг самарасини беради, деган умиддамиз. Зеро, фарзандларимизнинг маънавий юксалиши таълим ислохотлари ҳамда ўқув муассасаларида яратилган шароитлар, таълим тизимининг тўғри йўлга қўйилиши билан узвий боғлиқдир.

Мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат!



Ўзбекистонни қўлигул хунармандлар мамлақати десак янглишмаймиз. Наққошлик, кулолчилик, зардўзлик, ўймакорлик сингари халқ амалий санъати турлари юртимизда қадим замонлардан ривожланиб келган. Ўзбек хунармандлари ясаган буюмлар азалдан чет ўлкаларда жуда қадрланган. Боиси улар ясаган буюмларини ҳақиқий санъат асари даражасига кўтара олганлар.

Камолиддин ҲОТАМОВ,
"Milly tiklanish" мухбири

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан "Хунарманд" уюшмаси, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, "Микрокредитбанк" ОАТБ бошқаруви ва бошқа қатор вазирлик ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўргазмаси биносидан ташкил этилган кўргазма-савдода мўъжизага тенг миллий хунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ҳафта давомида қарийб 60 нафар аёл ўзлари яратган юзлаб турдаги маҳаллий ва миллий қадриятларимиз акс этган маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

"Қўлигулди қўзбек аёлни" деб номланган ҳудудлараро кўргазма-савдо касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар рекламасини ташкил этиш ва сотувга кўмаклашиш ҳамда маҳаллий маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали миллий урф-одатлар ва қадриятларни асраш, уларнинг билим, қўникма ва маалакаларини оширишга қаратилган. Бундай тадбир ўз навбатида айниқса, тадбиркорлик, хунармандчилик ва касаначилик фаолиятига энди кириб келаётган уй бекалари учун ўзаро тажриба алмашиш имконини беради.

Жорий йил охиригача мунтазам давом этадиган ушбу кўргазма-савдо ҳар қачонгидир аҳамиятли,- дейди Нурота туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Феруза Файзиёва. - Боиси, унда асосан юртимизда тобора ривожланиб бораётган миллий хунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилиб, касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларимиз меҳнат қадри тоғмоқда. Туманимизда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аёллар айна каштачилик хўнари билан шуғулланишди. Шунинг учун ҳам Нурота аёлларининг қўлигул, дей-

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Файзулло бобо Бердиев 82 ёшда. Уми баҳаво тоғларда, ноёнсиз яйловларда кечгани боис, ҳамон тетик.

Қорақўлчилик, чўпоннинг дала уйи, отар, сурув, ҳақида гап кетса, бир қўзғалиб олади-да, яйраб ганга тутинади.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milly tiklanish" мухбири

Чўпон таёғини ярим аср елкамда тутдим. Мен касбимни қанча эъзозлаган бўлсам, касбим ҳам мени элга шунча танитди, ардоқлади. Шукур, фарзандларим, набираларим таёғини ерда қолдиришмади. Уғлим Нормўмин оилавий пудрат асосида чўпонлик қилиб келмоқда. Бу йил чорвадорлар учун баракали келди. Насиб этса қурғоқчилик келган йиллар йўқотишларини ўрни ҳам тўлиб кетади. Нуробод туманидаги қорақўлчиликка ихтисослашган ширкат хўжалигида Файзулло бобо сингари чорвачилик сир-асрорларини яхши биладиган сулолалар бошида турган отахонлар кўпчилигини ташкил этади. Уларнинг фикрича бу

ЖАРАЁН

КЎРГАЗМА

Ўзбек мўъжизалари

пойтахтимиздаги маданият ва санъат кўргазмаси биносидан намойиш этилмоқда

шади. Чевар хотин-қизларимиз нафақат ўзимизда, балки хорижда ўтказилаётган халқаро кўргазмаларда ҳам иштирок этишяпти. Яқинда тадбиркор Рухсора Тўрақуллова Шотландияда ўзининг меҳнат маҳсули билан иштирок этиб, талайгина таассурот ва ҳулосалар билан қайтди. Тажрибали, қўлигул Рухсора мазкур давлатда бир неча ҳамкасблари билан соҳа юзасидан турли шартномалар имзолашга ҳам муваффақ бўлди. Унинг айтишича, эндиликда унда миллий хунармандчилик маҳсулотларини тўғридан-тўғри чет элга экспорт қилиш имконияти туғилди.

Кўргазма-савдода фарғоналик Азимахон Умарова нуроталик яқка тадбиркор Гулнора Турсунваннинг маҳсулотлари билан қизиқайётганига ғувоҳ бўлдим. Гулнора опа кўргазмада асосан табиий ранглардан, ипак ва пахта ипларидан тикилган кашталар, ёстиқ жилдлари, белбоғ, сўзана, нимча, миллий қўйлақ, чопон каби маҳсулотлар билан иштирок этаёпти. Айтиш шунки Азимахоннинг диққатини ўзига жалб этган бўлса ажабмас.

Ҳақиқатан ҳам Гулнора опа ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бежиримлиги билан киши эътиборини тортади,- дейди А.Умарова. - Бодом гулли, пичоқ нусхали кашталар айниқса, белбоғ, рўмолча, кўрпа-ёстиқ ҳамда келинлар сепини беэзайди. Ўзим 15 йилдан бундан тадбиркорлик билан шуғулланаман. Уй шароитида атлас, адрас ишлаб чиқарамиз. Қизларим зардўзлик, бисерлик тикиш билан шуғулланади. Каштачиликни ўрганиш учун ҳаммасидан сотиб оляпман. Ушбу маҳсулотнинг кулай томони шундаки, уни бичишда ҳеч қандай цех, замонавий тикув машиниси керак эмас, ип ва игна бўлса кифоя. Кўргазма-савдода иккинчи марта қатнашяпман. Ташкилотчилар томонидан барча қулайликлар яратилган.

Иштирокчилар орасида ёш қизларни қўриб, момоларимиз хўнари авлоддан-авлодга ўтиши, энг муҳими, ёшларимиз ўртасида миллий хунармандчилигимизга бўлган қизиқиш юқори эканлигини дилингиз яйрайди.

Биз кўргазмада миллий хунармандчилик асосида яратилган ўйинчоқлар билан иштирок этаётган гузорлик Дилафруз Қодировани суҳбатга тордик.

Кўйриқларнинг фарзандларимизни миллий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром руҳида камолга етказишдаги ўрни беқиёс,- дейди Д. Қодирова. - Ўйинчоқ нафақат болани овутиришга, балки жисмоний ва маънавий камолоти, тафаккурининг шаклланишига ҳам хизмат қилади. Шу боис ўйинчоқларнинг нафислиги, тоза маҳсулотдан тайёрлангани, тақинчоғи, либосидан тортиб, юз тузилишигача миллийликни акс эттиришга ҳаракат қилдим. Уларни "кийинтиришда" атлас, адрас, бекасман, олача, парча, сатин сингари миллий матоларимиздан кенг фойдаланганман. Бундан ташқари ўзим тўқиган сочга тақиладиган жамалак, қурок кўрпа, чархпалак, турна, олма, арча номли миллийлик акс этган кашта маҳсулотларини ҳам олиб келганман. Айтиш пайтда ҳамкасбларимиз ижоди билан яқиндан танишиш, ўзаро тажриба ва фикр алмашиш имконига эга бўляпмиз.

Хоразмлик қўлигул аёллар Муқаддас Ваисова ва Зиёда Тошмирзаевалар тиккан турли хил маҳсулотлар, кўрпа-тўшак, ғилофлар, элита пардалар, туя жундан тўқилган пайпоқлар, буюмлар ҳам хунарманд қиз Зарина Шодиева қўлидан чиққан Бухоронинг зер чопони, сўзаналари атрофида ҳам харидорлар гавжум.

Кўргазмани обдон айландим. Ота-боболаримиздан мерос сифатида қолган турли хунармандчилик маҳсулотларини қўриб ҳайратим янада ошди. Тўғриси, унда ўзим учун янги, хунармандчиликнинг ўзига хос қирраларини кашф этдим. Бугунги кунда юртимизнинг турли жойларида юзлаб, балки минглаб қўлигул опасингилларимиз кўзларининг нуруни бериб бўлса-да, қизиқиш, аждодлари қолдирган меросни давом эттириш мақсадида хилма-хил нарсас-буюмлар ясамоқда. Бугунги кўргазма ташкилотчилари ҳам ана шу қўлигул инсонларни бир жойда тўллаб, соҳани янада ривожлантиришга ҳаракат қилишмоқда. Зеро, битмас-туганмас ўзбек мероси, аънава ва урф-одатларини бир кун, бир ой, қўйингки, ҳатто бир йилда ҳам тўлиқ намойиш этиш қийин. Мазкур кўргазма-савдонинг келгусида ҳам давом этишининг ягона сирини ана шунда.

етказиш йўлга қўйилган. Шу боис чўпонларнинг кўнгли тўқ, фикри ўйи отари билан. Ишбилармон раҳбар Тошнўз ака Раҳимовдан "Дехқон бир йилда, чорвадор 40 йилда" деган гап бор. Ушбу йилдаги имкониятларининг 50-60 минг бош қўйга эмас, балки 100 минг бошга ҳам етарлик. Бугунги авхонли қандай изоҳлайсиз, эртани қандай тасаввур этасиз деб сўрадик. У киши оғир ҳўрсиниб олдида, изоҳ бердилар:

Туманбаларидан бири чорвачилиқдир. Афсуски кейинги йилларда катта-катта отарлар тугаб кетди. Кетма-кет қурғоқчилик келган йиллар ем-хашак муаммосини кучайтирди. Оқибатда туёқ сонлари кескин камайди. Узок эмас, ўтган йилги аҳолимиз ҳам танг эди. Этла-нолмаган совлиқлар қисир қолди. Она қўйлар бош сонига нисбатан кам тўл олинди. Об-ҳавонинг бу йилгидек серёғин келиши кам кузатилади. Синчил қарияларнинг айтишларича эндиги йиллар чорва учун қулай бўлади. Демак, биз отарларни қўпайтириш чораларини кўришимиз лозим. Агар икки, уч йил қаттиқ турсак ҳаммаси изига тушиб кетади.

Ширкат хўжалигида 180 нафар чўпон-чўлиқ бўлиб уларнинг барчаси Тошнўз Раҳимов айтган фикрларни қўлаб-қувватлашди. Яйловларимиз қўй-қўзи билан тўлиқ бўлсин, дейишди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Миллатпарвар демократлар Ҳокимиятга келишди

Японияда ўтган тўрт йилда тўрт нафар янги вазир сайланди. Бундай сиёсий парокандалик Либерал-демократларнинг охир-оқибат сайловда жиддий мағлубияти билан якунланди

Бехбуд БОТИРОВ

Бугун — 16 сентябрь кунини Япония парламентида сессия ўтказилиб, унда янги бош вазир сайланиши лозим. Ҳукумат раҳбарлигига Демократик партия раиси Юкио Хатояма тайинланиши кутилмоқда. Бу Кунчиқар юртда 2006 йилдан буён тўртинчи бош вазирнинг ўзгаришидир. Ҳукумат таркибидagi бундай янгиланишлар 2006 йилнинг кузига ҳукуматни 5 йил давомида идора қилган Дзюньитиро Коидзумининг муддатидан олдин ўз ваколатини тоширганидан сўнг бошланди. Унинг ўрнига келган Синдзо Абэ бошқарувда кескин фаолият юритгани, қисқа фурсат ичида ҳукумат вакиллари билан келишмовчиликларга боргани бир йилдан сўнг ўзининг истеъфоси билан якун топди. 2007 йилнинг сентябр ойида янги лавозимни Ясуо Фукуда эгаллади. Аслида Я.Фукудага кўнчилик катта умид боғлаанди. Япониянинг халоскори деб қаралган мазкур шахс ҳукуматнинг обрў-эътиборини оширишга алоҳида эътибор қаратди. Аммо уни ҳам кўролмайдиганлар топилди.

Айниқса, унинг ишни Вазирлар Маҳкамаси таркибининг янгиланишидан бошлаши муҳлифатга ёқмади ва бу ҳукумат аъзолари ўртасида тортишувлар, турли мансабдор шахсларнинг ишдан олиниш ҳолатлари кўпайишига олиб келди. Оқибатда роппасо бир йил ўтиб Ясуо Фукуда ҳам Синдзо Абэнинг йўлини танлади. Шарҳловчилар ҳар иккала бош вазирнинг ўз лавозимларидан кетишларига асосий сабаб сифатида уларнинг мухолифат қаршиликларини бартараф эта олмаганликларини кўрсатишди. Ясуо Фукуда, шунингдек, Либерал-демократик партия олдида турган сиёсий инқирозни ҳал этолмаган бош вазир сифатида тарихда қолди.

Таро Асо амалдаги Либерал-демократлар партиясидан яширин овоз бериш йўли билан сайланди. Мамлакатда энг йирик сиёсий арбоблардан бири бўлган Т.Асо сиёсий сахнага кириб келаркан, 130 миллиондан зиёд японияликларга кўп ваъдаларни берди. Бундан аввал у бир неча йиллар давомида иқтисодиёт ва молия, ички ишлар ва алоқа вазирини ҳамда ташқи ишлар вазирлигини бошқариб келди. Шунинг учунми, мутахассислар Таро Асонини Д.Коидзумини олиб борган ислохотларнинг давомчиси, дея



эътироф этишганди. Ҳукуматнинг юқори мансабларида ишлаб товланган, анчайин киришимли Таро Асо ташқи сиёсатда Корея халқ демократик республикаси билан ўзаро муносабатларни яхшилашга жиддий эътибор беришини айтганди. Миллий аънолар тарафдори бўлган Асо қонунчиликка киритилиши кутилган айрим (айниқса, аёлларнинг император тожини олишларига имкон берувчи) ўзгаришларга қарши бўлди. У бош вазир бўлганининг дастлабки кунидан бошлаб иқтисодиётни ислох этишга киришди.

Таро Асо бошқаруви глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврига тўғри келгани иқтисод танасидаги ярани янада кучайтирди, боз устига ҳукумат депрессияга қарши жиддий чоралар қўллай олмади. Япониянинг нафақат экспорт ҳажми тушиб кетди, балки ички бозорига ҳам етарлича эътибор берилмагани аҳоли даромади, харид қувватининг пасайишига олиб келди. Бу эса шу йилнинг август ойида парламентнинг куйи палатаси учун ўтказилган сайловларда амалдаги Либерал-демократларнинг мағлубияти билан якунланди. Сайлов натижаларига кўра, мухолифатдаги Демократик партия 480 та депутатлик мандатидан 308 тасини қўлга киритиб, янги ҳукуматни шакллантириш имкониятига эга бўлди. Либерал-демократик партия 119, Комэйто 21, социалистлар эса 7 та жойни банд этишди, холос. Аҳамиятли томони шундаки, мазкур сайлов орқали Либерал-демократларнинг 50 йиллик давлат бошқарувлари барҳам топди.

Демократик партия раиси Юкио Хатояма журналистлар билан учрашувида сўзга чиқиб, мазкур сайлов Япония тараққиёти, келажаги учун янги ва ўзига хос саҳифа очишини айтган: — Ушбу сайловлар учта муҳим жиҳат билан аҳамиятлидир. Бирин-

чиси — бу ҳукумат таркибининг ўзгариши, иккинчиси эса эски сиёсатнинг янгиси билан алмашиши ва ниҳоят, учинчиси — бошқарув шакли ўзгариб олий ҳокимият халққа тегишли бўлишидир, деди у.

Таъкидлаш лозимки, қарийб ярим аср давомида ҳукуматни идора қилган Либерал-демократлар мамлакат тарихида ўзига хос из қолдирди, дейиш мумкин. Хусусан, японлар Бош вазирлар орасида ҳукуматни 2001 йилдан 2006 йилгача бошқарган Дзюньитиро Коидзуми фаолиятини яхши хотирлайди. У ҳукумат қарзларини камайтириш ва почта хизматини хусусийлаштиришдаги ислохотлари билан алоҳида тилга олинади. Шунингдек, Коидзуми раҳбарлигидаги ҳукумат замонавий техника ва технологияларни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшди. Қолаверса, Хитой, Жанубий Корея ва Россия билан муносабатлар қайта тикланди.

Япония ҳукуматининг Демократик партия тарафдорлари қўлига ўтгани мамлакат тарихидаги энг муҳим воқеадир. Айни пайтда нафақат Япония халқи, балки жаҳон ҳамжамияти ҳам Кунчиқар юртда кечаётган сиёсий ўзгаришларни диққат билан кузатмоқда. Юкио тарафдорлари аллақачон мамлакатда ислохот режаси ишлаб чиқилганини маълум қилишган. Кузатувчиларнинг фикрича, ислохотлар муваффақияти бугунги кунда жаҳонда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этишда янги Бош вазирнинг иқтисодиёт соҳасидаги илк қадамлари қанчалик муваффақиятли бўлиши билан боғлиқ. Юкио Хатояма Япония иқтисодини солиқларни қисқартириш ва бошқа қўшимча чоралар эвазига бир маромга келтирмоқчи. Бу эса миллатпарвар Юкио Хатояманинг аввалги ҳамкасблари фаолиятдан жиддий хулоса чиқараётганини англатади.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Бир вақтда ҳам ўсиш, ҳам пасайиш

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юз берганига бир йил тўлди.

Бу инқироз 2008 йилнинг сентябрь ойида АҚШда ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Тез орада мазкур жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий банкларнинг тўлов қобилиятини заифлаштирди. Ўтган бир йил давомида молиявий-иқтисодий инқироз туфайли АҚШда қарийб 90 та тижорат банклари ёпилган. Бунга асосан мамлакатда ишсизлик даражасининг ортиб бориши оқибатида оммавий ипотека ва истеъмол кредитларининг қайтарилмагани сабаб бўлган. Демак, ишидан айрилган одамнинг кредитларни тўлаш имконияти ҳам бўлмади.

Шунга қарамай, Евроҳудуд иқтисодиёти 2009 йилнинг учинчи чорагида инқироз давридан буён илк мартаба 0,2 фоизга ўсиши кутилмоқда. Еврокомиссия мутахассисларининг фикрича, тўртинчи кварталда мазкур кўрсаткич 0,1 фоизни ташкил этади. Кўҳна қитъа 2010 йилни айти шундай ўсиш орқали кутиб олишни мўлжаллашмоқда. Маълумотларга кўра, Европа Иттифоқидаги энг йирик давлатлар Франция ва Германия иқтисодиёти 2009 йилнинг иккинчи чорагида ўсиш кузатирилган.



100-давлат

Латвияда А/Н1Н1 вирусини юқтирганлар сони қарийб 30 нафар кишини ташкил этди.

Россиянинг "Новости" ахборот агентлигининг хабарича, ўтган ҳафта бошида икки нафар одамнинг касаллангани аниқланган. Орадан 6 кун ўтиб, улар сони 15 баробарга кўпайган. Бу орқали Латвия А/Н1Н1 вирусини қайд этилган юзичинчи мамлакат бўлди. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш таш-



коти 2009 йилнинг 11 июни кунини сўнгги 40 йилда биринчи мартаба янги грипнинг тез суратда тарқалиши туфайли ҳавф энг максимал — 6-босқичга чиққанлигини расман маълум қилган. БМТ маълумотларига кўра, сайёрамизда А/Н1Н1 вирусини юқтирганлар сони 275 мингдан ошиб кетган, шундан 3,5 нафари ҳаётдан кўз юмган.

Ҳозирча 2 миллион нафар

1999 йилдан то 2009 йилнинг учинчи чорагига қадар Италия қарийб икки миллион эмигрантни қабул қилган...

Бу ҳақда "Istat" миллий статистика институти маълум қилган. Эмигрантлар орасида руминиялик, албаниялик ва марокшаллик муҳожирлар сон жиҳатдан устунлик қилишади. Италия ҳудудида истиқомат қилувчи муҳожир аёлларнинг асосий қисмини эса руминияликлар ташкил этиб, уларнинг сони 150 мингга етади. Институти маълумотларига кўра, айти пайтда эмигрантларнинг асосий қисми мамлакатнинг шимолий-шарқ ва шимолий-ғарб қисмларида истиқомат қилишмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, ушбу келтирилган барча маълумотлар қонуний эмиграция доирасида амалга оширилган тадқиқотлар натижасидир.



Исиб эмас, совиши мумкин

Айти пайтда сайёрамиз кўнчилик ўйлаётганидек

исиб эмас, совиб кетиши мумкин экан.

Асримиз ўрталарига бориб Кўёш нурлари оқимининг сезиларли даражада камайиши оқибатида Ерда глобал совиш жараёни юзага келиши эҳтимоли мавжуд экан. Мазкур башорат "NASA"нинг бундан бир неча йил аввал Марсдаги ҳарорат ўзгариши ва Антарктида ҳамда Гренландия музликларини ўрганиши натижасидир. Энди олимларда бошқа фикр туғилмоқда: глобал иссиқ инсон фаолияти оқибати эмас, балки табиат қонуниятлари асосида содир бўлмоқда. Дарвоқе, яқин 20 йил ичида яшаб турган сайёрамиздаги ҳароратнинг тушиб кетиши ҳақидаги маълумотларни ҳитойликларнинг илмий тадқиқот хулосалари ҳам тасдиқламоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИН ДУНЁ

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тадқиқотчи Шлиман қадимги Троя шаҳрида изланишлар олиб бораётган пайтда бир қанча қадимий топималарга дуч келган. Улар орасида биллур линза олимларни ҳайратга солган эди. Ҳуш қадимда бу линзани ким ихтиро қилган ва нима учун?

Қадимда одамлар қандай илмий кашфиётлар билан шугулланишган ва нималарга эришгани ҳақида олимлар ҳанузгача ўз хулосаларини баён этиб келишмоқда. Аммо, ҳамма маълумотлар ҳам биз уйлагандек, тарих билан мос келмаётгани йўқ. Масалан, В.Гуриков "Телескопнинг яратилиши тарихи" номли мақоласида "линзалар одамларга эраиздан 2500 йил аввал маълум бўлишига қарамай" биринчи телескоп XVII асрда нидерландлар томонидан ихтиро қилинган, деган. Унинг таъкидлашича, қадимги грек ва римликларда оптика соҳасида илмий назария ва амалиёт бир-бири билан боғ-

лиқ бўлмаган. Ҳақиқатан шундаймикан? Афсуски, йўқ, бу назария кўпчилик олимларни яна тадқиқот ўтказишга ва қадимда оптика соҳасидаги илмий ишларни ўрганишига туртки бўлган. Тарихчиларнинг фикрича, буни ўрганиш осон бўлмаган. Негаки, қадимда илмий тадқиқотлар сир сақланган ва оғзаки авлоддан-авлодга ўтган ёки қоғозларга аён бўлган, холос.


М.Борн ва Э.Вольфнинг "Оптика асоси" китобида ёзилишича, илк оптика тизими грек философи ҳамда математик олим Эмпедокл (эраиздан аввалги 430-490 й.) ва Евклидга тегишлидир. Ф.Даннеманнинг

Қадимги кашфиётлар

ёки оптик жисмларни илк бор ким ва қачон кашф этган?

қайд этишича, Галелео Галилей Евклид, Аполлон ва Архимеднинг билимларига суянган ҳолда, улардан сабоқ олиб ўзининг илмий ишларини олиб борган. Шунингдек, Галилейга Кеплернинг китоби ҳам маълум бўлган. Ўз даврида Иоганн Кеплер Евклид, Аполлон ва Аристотелнинг илмий ишлари билан таниш бўлган ва улар ҳақида ёзган. Олимлар, шу асосда қадимда одамлар оптик соҳасида кучли билимга эга бўлишган, бироқ бу кашфиётлар бизгача етиб келмаган, деган хулосага келишмоқда.

Тарихчиларнинг маълумот беришича, қадимда мисрликлар замонавий кўзойнакка ўхшаш жисми "тотафот" деб аташган. Плинийнинг ёзишича, кўзойнақ тақши тарихи Нерон яшаган даврга бориб тақалади. Нерон узоқни яхши кўролмаган, шунинг учун гладиаторлар жангини томоша қилиш учун яшил тусли бил-



лурдан фойдаланган. У кўришга қулай бўлсин, деб биллурни мосламага жойлаган.

— Қадимда римлик заргарлар қимматбаҳо тошларни эгилган, букилган ҳолатларга келтиришган. Бундан албатта

қадимда одамлар тошлардан яқинни яхшироқ кўриш мақсадига фойдаланишган дея оқас қаратганда у буткул ёниб кетган. Олимлар бу воқеага 1973 йилга қадар ишонмишган. Иоаннис Сакас 70 та ойна ёрдамида кўёш нурларини Пирей

портидаги кемага қаратиб ёқиб юборгандан кейин ишонмасликнинг иложи қолмаган.

Олимлар қадимги юнонларнинг бундан 2500 йил аввал қўллаган линзаларини шу пайтгача парфюмер идиши бўлса керак, деб тахмин қилиб келишганди. Тадқиқотчилар эндиликда ўша замонда линзалар қандай мақсадларда ишлатилганини аниқлашмоқда. Ҳозирги кунда ўша давр линзаларининг 200 га яқини Лондон музейида сақланмоқда. Археологлар дастлаб топилган майда шиша бўлақчалари ва қимматбаҳо тошларга унчалик аҳамият беришмаган: уларга оддий шиша бўлақчалари сифатида қарашган. Аслида олимлар бундан бир неча минг йил аввал ўша линзалар воситасида бемалол микроскопик жараёнларни бажара олганлар.

Темпл бу хулосага нафақат ишонди, балки олимлар бундай далилларга юз йил олдин ҳам эга бўлганлар, лекин улар доқеалар мавжуд. Масалан, Архимед гигант металл ойнада акс этган кўёш нурларини кемага қаратганда у буткул ёниб кетган. Олимлар бу воқеага 1973 йилга қадар ишонмишган. Иоаннис Сакас 70 та ойна ёрдамида кўёш нурларини Пирей

КЎЗГУ

ИФТИХОР

Ўзбек бокс мактабининг шухрати юксалади

Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича 15 жаҳон чемпионати нихоясига етди. Унда 133 давлат вакиллари орасида мамлакатимиз боксчилари умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди. Боксчиларимиз улкан муваффақиятига Аббос Атоев олтин, Элшод Расулов кумуш, Баҳодиржон Султонов ва Ботиржон Маҳмуров бронза медаллари билан ўзларининг ҳиссаларини қўшишди.

Асрор МЎМИН

Юртдошларимиз ҳам жаҳон спорт мутахассислари ҳам қандай тоифадаги мусобақа бўлмасин ўзбек бокс мактаби вакиллариининг муваффақият қозонишига ишонишади. Айниқса мустақиллик йилларида боксчиларимиз муваффақияти салмоқли бўлапти. Биргина жаҳон чемпионатини олсак, кейинги тўққиз чемпионатда боксчиларимиз 20 та (6 та олтин, 6 та кумуш, 8 та бронза) медалини қўлга киритишди. Шуниси диққатга сазоворки, ҳали боксчиларимиз бирорта жаҳон чемпионатидан медалсиз қайтишгани йўқ. Бунинг устига улардан икки нафари икки карра жаҳон чемпионидир. Жаҳоннинг энг нуфузли мусобақаси - олимпия ўйинларида спортчиларимиз шу кунгача 17 та медал билан тақдирланишган бўлса, улардан олтинга боксчиларимизга тегишлидир. Бунга боксчиларимизнинг Осий

ўйинлари, Қитъа чемпионатлари ва нуфузли мусобақалардаги медалларни қўшсак, уларнинг сони катта рақамни ташкил қилади. Шу боис давлатимизнинг юксак унвони - "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирланганлар сафида кўплаб боксчиларимиз бор. Агар бу юксак унвон билан 45 нафар спортчи мукофотланган бўлса, уларнинг 14 нафари боксчилардир. Пекин олимпиадасида боксчиларимиз бир мунча суст қатнашганди. Бу тасодиф эканлигини исботлаш учун вакилларимиз Миланга кўтаринки кайфиятда кетишди. Дарҳақиқат 4 нафар боксчимиз жаҳон чемпионати ярим финалида рақибларидан яққол устунлигини кўрсатди. Дастлаб ярим финалда 57 кг. вазн тоифасида Баҳодиржон Султонов тажрибали россиялик рақибига им-



кониятни кичик ҳисобда бой берди - 5:7. Иккинчи бўлиб ринга кўтарилган 19 ёшли умидли боксчимиз Ботиржон Маҳмуров ҳам 69 кг. вазн тоифасида германиялик спортчига кичик ҳисобда ютказди - 4:6. Кейин бизнинг кўчамизда байрам бошланди. 75 кг. вазн тоифасида бухоролик Аббос Атоев арманистонлик Андроник Аюпеянга ҳеч қандай имконият қолдирмади - 9:0. Бундай "қуруқ" ҳисоб бирон учрашувда учрамади. Шундай қилиб, Аббос Атоев икки карра

жаҳон чемпиони бўлди (2007 йилда ҳам ғолиб чиққанди). 81 кг. вазн тоифасида илк бор қатнашган Элшод Расуловга бироз тажриба етишмади. У россиялик номдор боксчига қарши биринчи (3:2) ва иккинчи (7:6) раундда устунликка эришди, бироқ иккинчи раундда толиқиб қолгани учун ютказди - 10:13. Юртдошларимиз мажоратига тан берган мутахассислар бу кумушни олтинга қийсашди. Хуллас, Миланда ўтказилган жаҳон чемпионати ўзбек бокс

мактабининг яна бир ёрқин ғалабаси билан нихоясига етди. Бу муваффақият боксчиларимизни ҳам, бошқа спортчиларимизни янги ғалабалар сари ундайди. Чунки бокс тарихимизга назар солсак, фақат истиқлол йилларида боксчиларимиз ҳам бошқа спортчиларимиз ҳам оламшумул ютуқларга эришишди. Ишончимиз қомилки, спортчиларимиз мустақиллигимиз туфайли яратилаётган имкониятлардан бундан кейин ҳам унумли фойдаланишаверади.

КАДРИЯТЛАРИМИЗ

Мунчоқлар таровати

Чеварлар томонидан тикилган "бисер"ларда акс этган

"Мунчоқ" сўзининг мажозий маъноси билан жуда кўп туйғулар ифодаланган, мақоллар тўқилган. Болаларни кўзмунчоғим деб эркалашган. Кейинги пайтларда халқ хунармандлари, чеварлар, мунчоқлар ёрдамида ноёб санъат дурдонаси "Бисер"ни яратиб каштачиликда янги саҳифа очилди.

Пардабой Тожибоев, "Milliy tiklanish" мухбири



кий санъат асрлар оша сақланади. Ташки таъсирлар туфайли ранги ўзгармайди. Меҳнат намуналари билан фахрланар эканмиз, мунчоқларни матога қадаб ҳам инсоннинг ички ҳаёларини изҳор этса бўларкан, деган хулосага келамиз. Чевар Мавлудахон мумтоз шоирларимиз портретлари, Буюк ипак йўли манзаралари, Самарқанд минораларию давлатимиз рамзларини айнан мунчоқлар воситасида яратган. Уларда чеварнинг нозик диди, порлоқ орзу ҳаёллари акс этган. Турли рангдаги мунчоқлар билан зеб берилган санъат асарларининг бозори чакқон эканлиги диққатга сазовор. Ахир, бу асарлар вилоят, республика миқёсидаги ташаббус кўриклари, Япония, Германия сингари хорижий давлат кўргазмаларида намойиш этилган. Ассоциация ташкил этилганга 8 йил бўлса-да ҳар йили кўрик-танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларга сазовор бўлади.

Мавлуда Жабборова асли бухоролик. Унинг ота-боболари, аждодлари неча-неча асрлардан буён зардўзлик билан шуғулланишган. Бугун музейлардаги Бухоро зардўзлик намуналарини яратишда уларнинг ҳам ҳиссаси борлигини суҳбатдошимиз фахрланиб таъкидлаб ўтди. Мавлуда аждодлар хунарини давом эттиришни ўйлаб, Хунарманд аёллар ассоциациясини ташкил этди. Унинг кўлами йил сайин ортиб, хунармандлар мактабига айланди. Ҳозир бу ерда 40 дан ортиқ тикув машиналари, турли хунармандчилик жиҳозлари бор. Ҳар йили 10 млн. сўмлик соф фойда олинади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар буюртмачиларга ўз вақтида етказиб берилмоқда. Вилонинг ҳамма туманларида шахобчаларга эга. Қишлоқларда касаначилик кенг ривожланмоқда. Хунарманд аёллар уйда ўтириб, фойдали ишлар билан шуғулланмоқдалар. Чеварлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Уюшма ишлари билан танишар эканмиз, чеварлардан бири Садоқат Йўлдошева билан суҳбатлашдик. Жиззах Давлат педагогика олийгоҳининг 3-боқичида таълим олаётган чеварнинг номи эндиликда вилоятда маълум ва машҳур. У уюшмага ишга келганида 15 ёшда эди. Садоқат устозидан каштачилик сирларини пухта ўрганиб, мустақил равишда фаолият кўрсатмоқда. Уюшмага келган ёш қизларга касб сирларини ўргатапти. Ўзи тиккан санъат асарлари республика, хорижий давлат кўрикларида муносиб баҳосини олаётганидан мамнун. Халқимизнинг бой маданий меросини санъат асарларида акс эттирапти.

Хунарим орқали Ватанимиз равнакига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан мамнунман,- дейди уюшма раҳбари Мавлуда Жабборова. - Истиқболда олдимизда ишчи ўринларини янада кўпайтириш, маҳсулот сифатини ошириш вазифалари турлибди. Бозорларда хунармандчилик маҳсулотлари сонини кўпайтириш давр талаби, десак муболаға бўлмайди. Қорхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан, хунарманд чеварлар тайёрлаган маҳсулотлар ўртасида фарқ катталигини сезиш қийин эмас. Хунармандлар орзу-умидларини мунчоқлар замирига сингдиришаётгандай гўё!

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Аёллар ташаббуси

Наманган вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан Наманган шаҳридаги "Паҳлавон" спорт мажмуасида ташкил этилган "Соғлом оила" мусобақаси ўтказилди. Унда вилоят, шаҳар, туманларида истикомат қилувчи саккизта оила аъзолари иштирок этиб, 60 метр масофага югуриш, баскетбол тўпини саватчага тушириш, узунликка сакраш, арқон тортиш бўйича ўзаро куч синашдилар. Шунингдек, "Моҳир ҳужумчи" ўйинида оилавий жамоа фарзанди 7 метр масофадан тўпни дарвозага йўналтириши, оталар эса 16 килограммик тошни 10 метр масофага чолган ҳолда олиб боришлари, оналар гимнастика халқасини белда айлантиришлари лозим эди. Томошабинлар олқиши остида ўтган "Соғлом оила" мусобақасида Наманган шаҳридан Шамсиддиновлар оиласи ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ўрин чуствлик Насриддиновлар ҳамда учинчи ўрин тўрақўрғонлик Обиджоновлар оиласига насиб этди.

Бундан ташқари "Энг зўр раҳбар аёллар" спартакидаси наманганлик раҳбар аёллар ўртасида ўтказилди. Унда иштирокчилар спортнинг шашка, стол тенниси, сузиш ва волейбол турлари бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди.

Шашка ўйинчиларининг энг кучлиси сифатида ўзини кўрсатган уқўрғонлик Гулбаҳор Иномжонова барча рақибларини доғда қолдириб, учрашув ғолибига айланди ва биринчи ўрин соҳиби бўлди. Сузиш бўйича Наманган шаҳридан Элла Вишнякова етадигани топилмади. Чуствлик Ҳанифахон Ҳамидова стол тенниси бўйича ғолиб чиқиб, ўзининг энг чаққон ва зукко эканини намойиш этди. Наманган шаҳридан волейболчи аёллар жамоаси ғолибликни ҳеч кимга беришмади. Наманганлик раҳбар аёллар спартакиаданинг ғолиби бўлдилар. Иккинчи ўрин чуствликлар, ва учинчи ўрин Наманган тумани раҳбар аёлларига насиб этди.

Энг меҳрли кутубхоначи

Бухоро вилоят кўзи оғизлар кутубхонаси "Энг меҳрли кутубхоначи" танловининг вилоят босқинчи якуллади. Кутубхоначиларнинг касб маҳоратини ошириш, янги технология бўйича ишлашни яхши йўлга қўйиш мақсадида ўтказилган бу тадбирда Маржона Аҳмедова биринчи ўрин, Умид Нуруллаев иккинчи ўрин, Ойдин Асанова, Комила Суннатова ва Зилола Бердиевага учинчи ўрин насиб этди. Ғолиблар ташкилий кўмитанинг қимматбахов соғалари ва дипломи билан тақдирланди. Биринчи ўрин соҳиби М.Аҳмедова танловнинг республика босқинига тавсия этилди. **Мухтасархон КАРИМОВА**

ЎГИТ

Бахтлидир ул кимса, ақли эр эса,
Нафси камтарликда мисли ер эса.

Сабр ила нафсинга этгил қаршилиқ,
Ул ёмондирким, ярашмас яхшилиқ.

Жалолдин РҲМЙИ

БИЛАСИЗМИ?

Кишинёв шаҳрининг номлини ҳақидаги энг кенг тарқалган тахминларга кўра, бу ном қадимги румин тилидаги "chisla noue" (кишла ноуэ) сўзидан олинган ва "янги булоқ" маъносини аниқлатади. Яна бир тахминга кўра, бу ном қипчоқларнинг "кесене", яъни "қор" сўзидан ёки венгерларнинг "Kisijeno", яъни "кичкина Йено" (Йено-896 йилда Европага кириб келган венгер қабилаларидан бири) сўзидан олинган. Руминия фарбидаги Венгрия билан чегарадош ҳудудда "Kisijeno" ёки "Chisneu" деб номланувчи шаҳар бор. Аммо уларнинг Кишинёв шаҳри номи билан алоқадорлиги исботланмаган.

Мадрид шаҳрининг ривожланиш даври 932 йилга бориб тақалади. Шаҳар Маджирит қалъаси атрофида пайдо бўлган. 1561 йили Испания қироли Филипп II уни ўз давлатининг пойтахти деб эълон қилган. Мадрид сўзи қадимги араб ва испан тиллари аралашмасидан ҳосил бўлган, деган тахминлар бор. Аммо бу сўзнинг қандай маъно аниқлиги ҳақон номаълум.


Берн шаҳри Швейцариянинг расмий пойтахти саналади. Унинг номи немис, француз, италян тилларида ҳам бир хил маънони аниқлатади. Яъни, "Бирлашган шаҳар".

ТУРФА ОЛАМ

Юпитердан қора доғ топилди

Ҳаваскор-астроном Энтони Уизли Юпитернинг жанубий ярим шаридан номаълум қора доғлар борлигини аниқлашди.

Энтонининг таъкидлашича, 1994 йилда Шумейкер-леви кометаси Юпитер билан тўқнашганидан сўнг ушбу қора доғ ҳосил бўлган. Кўпчилик астрономлар Энтонининг назариясига қарши чиқишмоқда. Уларнинг фикрича, Юпитерда об-ҳавонинг ўзгариши натижасида ушбу қора доғ юзага келган бўлиши мумкин.



Гигант чувалчанг

Испаниялик тадқиқотчилар 475 млн. йил аввал яшаган гигант чувалчангларнинг изини аниқлашган.



Олимлар Испаниянинг миллий боғидан узунлиги чамаси 1 метр келадиган тошқотган чувалчангларни топилган. Узоқ текширувдан сўнг мутахассислар бу чувалчанглар қадимда денгиз тубида яшаган, деган хулосага келишди.

Ажойиб батарейка

Бир гуруҳ немис олимлари дунёдаги энг биринчи чоп этиладиган батарейкани иختиро қилишди.

Янги батарейканинг вазни 1 грамм, эни эса 1 мм бўлиб, қуввати 1,5 В ни ташкил этади. Унинг таркибида симоб йўқлиги боис, атоф-муҳитга мутлақо безарар ҳисобланади. Футболка-тасвир туширишда қўлланиладиган курилмага ўхшаш курилмада янги батарейкалар боисиб чиқариларкан.

5 минг йил аввал ... жангда ҳалок бўлган аскар

Италиялик археологлар Рим шаҳри ёнидаги хиёбондан 5 минг йил аввал яшаган аскар қабрини топилган.

Мутахассислар топилгани экспедицияда қатнашган археологнинг номи билан, яъни Nello деб аташмоқда. У май ойида аниқланган бўлса-да, олимлар қабристонини ҳимоя қилиш мақсадида эълон қилишмаган. Олимлар сўнгги қузатувларида, суяк қолдиқларда найза ўқининг изи топилганлиги боис, бу аскар жанг пайтида ҳалок бўлган деган хулосага келишган.

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, тайёрлади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Ғолиб-шер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДИНОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Гафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолдин САФОВЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланishi мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарлиқни ўз бўйига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,
Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-823, Адади — 4196

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371)
234-87-74, 234-87-73,
234-86-41 ФАКС: (8-371)
234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Исмаил ХУДОЕВ
Навбатчи:
Ақобир САЙИДОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топшириш вақти — 19.00.